

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336.71 (657.1)

НОРМЕТОВ БОБУР ШАРИФБОЕВИЧ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мутахассислик: 5A230702- «Банк ҳисоби ва аудит»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: **и.ф.н., проф. Т.Каралиев**

ТОШКЕНТ-2015

**Диссертация Тошкент молия институти «Банк ҳисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар

Т.Каралиев

Кафедра мудири в.в.б.

Т.Болтаев

Магистратура бўлими бошлиғи

У.Ортиқов

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-БОБ. БАНК ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ, УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Тижорат банклари даромадларининг моҳияти ва турлари.....	9
1.2. Банк харажатлари ва уларнинг туркумланиши.....	19
1.3. Тижорат банклари фойдасининг шаклланиш манбалари.....	27
1-боб бўйича хулоса.....	35
II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ...	36
2.1. Тижорат банклари даромадларини ҳисобга олиш тартиби....	36
2.2. Тижорат банклари харажатлари ҳисоби ва таҳлили.....	50
2.3. Банкларнинг фойдасини баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.....	57
2-боб бўйича хулоса.....	70
III-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	71
3.1. Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар.....	71
3.2. Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари.....	77
3-боб бўйича хулоса.....	83
ХУЛОСА	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	89

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бир ёки бир неча йирик молия ташкилотининг иқтисодий таназзулга учраши бутун мамлакат молия тизимини изидан чиқариши, колаверса, уша минтака ёки республика иқтисодиётига салбий таъсир этиши мумкин. Маълумки банклар мамлакат пул-кредит тизимининг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва самарали амал қилиши халқ хўжалиги тармоқларидан бири ҳисобланадиган банк тизими билан бевосита боғлиқдир. Зеро, банк тизими бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларни молиялаштиришнинг энг ишончли молиявий институтларидан ҳисобланади. Банклар мамлакат иқтисодиётида давлат бюджетининг касса ижросини таъминлаш билан бир вақтда, жамғармаларни шакллантириши, воситачилик операцияларини амалга ошириши, кредитлар бериш ҳамда қарз олувчилар томонидан молия интизомига риоя этишни назорат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мухтарам президентимизнинг “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” асарида шундай дейилган: «... банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш талаб этилади»¹

Тижорат банкларининг бозор инфратузилмасидаги юксак мавқеини таъминлаш унинг функцияларини тўлақонли тарзда бажарилиши орқали амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг молиявий

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 57-58-б.

барқарорлигини таъминлашни тақозо қилади. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шarti бўлиб, банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига эришиш, банк фойдасини кўпайтириш, капитал етарлилигини таъминлаш ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг жорий даврида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, банк амалиётида тижорат банкларининг молиявий натижаларини шакллантириш, уни ҳисоб-китоб қилиш ва банк фойдасини тақсимлаш билан боғлиқ бўлган ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги уни тадқиқ қилишнинг аҳамиятини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг 2015 йил 17 январдаги «2014-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014-йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайитириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013-йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3-мартадан зиёд ошди.

Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011-йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори

рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди.².

Албатта банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асоси бўлиб унинг капитали ва банк фаолиятининг даромадлилиги ҳисобланади.

Ҳар бир тижорат банки фаолиятининг асосий мақсади банк даромадларини ошириб ва харажатларни камайтирган ҳолда, максимал фойда олишдир. Юқори даромад олиш ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларининг риск даражасини оширади, чунки риск даражаси қанча паст бўлса, фойда олиш эҳтимоли ҳам қисқаради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ишлаб чиқариш бир қанча муқобил ечимлар ичидан рискнинг минимал даражасини танлашга ҳаракат қилса, иккинчи томондан даромадлилик билан боғлиқ бўлган оптимал ечимни топишга ҳаракат қилади.

Тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари, банк фойдасини ошириш муаммоларини ўрганиш, унинг тижорат корхонаси сифатидаги самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади банк даромадлари ва харажатларини шакллантириш, уларнинг ташкил топиш манбалари, банк фаолияти даромадлилигини ошириш масалаларини назарий асослаш ҳамда аниқ тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- банк даромадининг иқтисодий мазмуни ва туркумланишини тадқиқ қилиш;
- тижорат банклари харажатлари таркиби ва моҳиятини ўрганиш;
- тижорат банклари даромадларини шакллантириш, ҳисобга олиш тартиби ва таҳлил қилиш;
- банк харажатларини таҳлил қилиш;

² Каримов И.А. «2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мулжалланган энг муҳим устувор йўналишлари». Китоби. Тошкент – “Ўзбекистон”. – Т.: 2015 йил 17 январ

- банк фаолияти даромадлилигини таъминлаш, харажатлари ҳисобини ташкил этиш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Банк молиявий натижалари, яъни, даромадлари ва харажатлари, шунингдек, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларни йўналтириш масалалари бўйича изланишлар олиб борган хорижий иқтисодчи олимлардан Д.Кокс, Ф.Модильяни, Д.Полфреман, П.С.Роуз, Ж.Синки³, МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан И.Т.Балабанов, Е.П.Жарковская, Е.Ф.Жуков, О.И.Лаврушин, В.М.Усоскин-ларнинг⁴ илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан банк операциялари ва хизматларига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар Ш.З.Абдуллаева, О.Ф.Алиқориев, Б.Т.Бердияров, Т.И.Бобокулов, А.В.Вахабов, А.А.Омонов, О.А.Ортиқов, О.Б.Саттаровлар⁵, К.Наврўзова⁶, А.Омонов, Т.Каралиев⁷ томонидан амалга оширилиб, уларнинг илмий ишларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кредит

³ Cox D. Success in elements of banking. – London: John Murray, 1979. - 271 p.; Modigliani F., Fabozzi F.J., Ferri, M.G. Foundations of financial markets and institutions. – New Jersey 61, 1997. - 497 p.; Palfreman D. Elements of banking. Philip Ford. – 2nd ed. – London: Pitman, 1988. - 660 p.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. — Москва: Дело, 1997. — 743 с; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовъх услуг. Пер. с англ. — Москва: Альпина Бизнес Букс, 2007. — 1018 с.

⁴ Балабанов И.Т. Банки и банковское дело / Под ред. И.Т. Балабанова. - Санкт-Петербург: Питер, 2002. - 304 с; Жарковская Е.П. Банковское дело. - Москва: Омега-Л, 2004. - 440 с; Жуков Е.Ф. Банки и банковские операции / Под ред. Е.Ф. Жукова. - М.: Банки и биржи, 1997. - 191 с; Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. / Под ред. О.И. Лаврушина. - 3-е изд. - Москва: Кнорус, 2005. - 766 с; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. — Москва: МКЦ ДИС, 1997. — 464 с.

⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. - Тошкент: Молия, 2003. - 312 б.; Алиқориев А.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2011 – 23 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги: икг. фан. ном.... дис. автореф. - Тошкент, 2002. - 20 б.; Бобокулов Т.И. Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. Монография. — Тошкент, 2007. - 183 б.; Вахабов А.В. Укрепление банковской системы Узбекистана как приоритетное направление повышения эффективности антикризисной программы Узбекистана // Эффективность антикризисных программ и приоритет посткризисного развития: (на примере Узбекистана). — Международная научно-практическая конференция — Ташкент: Узбекистан, 2010. — Часть III. — Б. 84-90; Омонов А.А. Тижорат банклари ресурсларини самарали бошқариш масалалари: икг. фан. док. ... дис. автореф. - Тошкент, 2008. - 37 б. Ортиқов О.А. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2011 – 19 б.; Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашши такомиллаштириш: икг. фан. ном.... дис. автореф. — Тошкент, 2009. — 18 б.

⁶ К.Наврўзова – Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма.–Тошкент «Иқтисод-молия», 2010. 188 б.,

⁷ А.Омонов, Т.Каралиев - Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Тошкент «Иқтисод-молия», 2014. 163 б.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари Ўзбекистон Республикаси банк даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисобининг амалий таҳлили бўли ҳисобланади. Тадқиқот ишининг фаразлари тижорат банклари даромад ва харажатлари бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштиришга оид таклифларни қўллаш имкониятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, тижорат банкларининг фаолиятида даромад ва харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган тижорат банклари, жумладан АТ «Алоқабанк» ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, банк иши бўйича мамлакатимиз, ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар асарлари, шунингдек банк даромадлари ва харажатлари ҳисоби бўйича меъёрий, услубий манбалар хизмат қилади.

Илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари, нутқлари ва мақолаларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга оид масалалари бўйича баён этган хулосаларидан муҳим манба сифатида фойдаланилди.

Тадқиқот услублари. Тадқиқот иши ёзилишида назарий ҳамда эмпирик тадқиқот усул элементларидан фойдаланилди. Хусусан, назарий усуллардан: таҳлил, дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, синтез ва қиёслаш усулларидан, эмпирик усуллардан: кузатув, текшириш усулларидан кенг фойдаланилган ва улардан самарали тадқиқот иши жараёнида кенг тарзда фойдаланилган.

Диссертацияданинг илмий янгилиги бўлиб, куйидагилар ҳисобланади:

- тижорат банклари даромадининг туркумланиши ва ҳисоби тадқиқ қилинди;
- тижорат банклари харажатлари таркиби ва мохиятини ўрганиш;
- банк даромадлари манбалари урганилди;
- тижорат банклари даромадларини шакллантириш таҳлил қилинди;
- банк харажатлари таҳлил қилинди;
- тижорат банклари даромадлигини ошириш, харажатларини оптималлаштириш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижалари назарий ва амалий аҳамиятга эга. Диссертацияда мамлакатимиз етакчи иқтисодчи олимлари, шунингдек хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг илмий, услубий ишларини ўрганиш ва шу асосда банк даромадлари ва харажатлари бўйича мавжуд муаммолар назарий жиҳатдан асосланиб, уларни ҳал қилиш йўналишларига оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертацияда ишлаб чиқилган тавсиялар тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини тугри юритиш, даромадни шакллантириш, харажатларни оптималлаштириш имконини беради, банк фаолияти самарадорлигини оширишнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланишга имон беради.

Тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган ишлар. Илмий изланиш натижаларига оид 3 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, 8 параграфни ўз ичига олувчи 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Унинг ҳижми 94 бетдан иборат бўлиб, унда 12 та расм, ҳамда 9 та жадваллар мавжуд.

I-БОБ. БАНК ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ, УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банклари даромадларининг моҳияти ва турлари

Ҳозирда мамлакатимиз бозор иктисодиётига утиш шароитида ишлаб чиқилган бозор муносабатлари тамойилларини тулик ишлашини таъминлаши асосий максадимиздир. Ушбу жараёнда тижорат банкларининг барқарор фаолият юритиши, яъни актив операцияларидан оладиган даромадларини оширишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш, пул-кредит сиёсати соҳасида юзага келадиган камчиликларининг иктисодиётнинг бошқа барча соҳаларига нисбатан салбий таъсирини олдини олиш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларининг жорий ва инвестиция харажатларини қоплашнинг асосий манбаларидан биридир. Бунинг учун эса, тижорат банкларининг даромадлилик моҳиятини чуқур англаб етиш ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ундан фойдаланиш масалаларини кенгрок таҳлил қилиш зарурдир.

Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳисоблаб ёзиш усулидан фойдаланилади. Яъни даромад ва харажатлар шу молия даври учун таллуқли бўлса, демак уша даврда ҳисобланиб баланс ҳисоботларида акс эттирилади. Банклар даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишда изчиллик, ишонччилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик бўйича талабларни ўз ичига оладиган ҳисоблаб ёзиш усусини қўллаш бўйича таомилларни қўллашлари керак. Бу таомиллар ушбу талабларни белгилаш ва қўллашнинг тегишли усуллари тўғрисидаги кўрсатмаларни ўз ичига олиши лозим.

Даромадлар деганда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятларидан келган пул тушуми тушунилади. Тижорат банклари бошқа тижорат корхоналари сингари асосий ва қўшимча фаолиятдан, шунингдек, бошқалар категориясига кирувчи тасодифий даромадлар олиши мумкин. Банкнинг асосий фаолияти бўлиб, банк операцияларини амалга ошириш ва

мижозларга банк хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Даромад келтирувчи бошқа фаолиятлар эса, бошқа даромадлар ҳисобланади.

Даромад манбаларини барқарор ва нобарқарорга ажратиш мумкин. Мижозларга ҳар хил хизматлар кўрсатиш даромаднинг барқарор манбаси ҳисобланади. Нобарқарор эса, молиявий бозордаги операцияларидан, шунингдек, банкнинг қўшимча фаолиятидан келадиган даромадлар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг оладиган даромадлари, унинг харажатларини қоплаши ва фойда олишни таъминлаши шарт.

Банк даромадларининг бир қисми йукотишлар олдини олиш ҳамда рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган заҳираларга йўналтирилади. Банк ўз харажатларини қоплаши учун даромад ҳажмининг етарлилигини таъминлаши билан бирга тушумининг ҳам бир хилдалигини таъминлаши керак. Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг харажат қиладиган даврига мос ҳолда вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Тижорат банклари ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлигини таъминлаши керак. Яъни жорий ойдаги даромадлар ва харажатлар шу ойда баланс ҳисоботларида акс эттирилиши шарт. Шунда тижорат банклари баланслари ҳаққонийлиги, софлиги таъминланган булади.

Ҳисобот даврида банкнинг барча даромадларининг мажмуаси ялпи даромад дейилади. Одатда, ялпи даромад таркибида қуйидаги даромад гуруҳларини ажратишади:⁸

1. Операцион даромадлар:
 - 1.1. Фоизли даромадлар
 - 1.2. Комиссион даромадлар
 - 1.3. Молиявий бозордаги операциялардан даромадлар

⁸ Шеремет А.Д. “Финансовый анализ коммерческого банка” М.: Финансы и статистика 2000

1.4. Бошқа операцион даромадлар

2. Банкнинг қўшимча фаолиятдан даромадлар.

3. Бошқа даромадлар.

Тижорат банклари даромадларини уч гуруҳга булишимиз мумкин:⁹

1. Фоизли даромад

2. Комиссион мукофотлар шаклидаги даромад

3. Бошқа турдаги даромадлар (спекулятив характердаги, сотилган мулкларнинг баланс ва бозор уртасидаги фарки, қимматли қоғозлар ва активларни қайта баҳолашдан даромад, олинган жарима ва пенялар ва х.к)

Бу гуруҳлар таркибини бирма-бир кўриб чиқамиз. Тижорат банклари даромадлари структурасида катта улушга эга бўлган асосий фаолиятдан даромадлар, операцион даромадлар дейилади. Операцион даромадлар ўз навбатида фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади.

Банк фаолияти даромадининг асосий қисми фоизли даромадлардан келади. Яъни, ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни пуллик жойлаштиришдан олинадиган даромадлар. Асосан бу даромадлар, миждозларга кредит беришдан ёки буш пул маблағларини Марказий Банк ва тижорат банкларига жойлаштириш, шунингдек, узоқ муддатли мажбуриятларга маблағ қўйишдан келадиган фоизли даромадлар. Лизинг, факторинг, форфейтинг ва ҳисоб операциялари ҳам бу даромад турига киради.

Фоизли даромадлар орасида энг кўп даромад келтирувчи манба бу миждозларга ажратилган кредитлардир. Кредитлар бўйича фоизлар одатда ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади. (Кредитларнинг муайян турлари бўйича 360 кун базавий давр қилиб олинади). Кредит бўйича фоизлар қуйидаги формулага биноан ҳисобланади:

⁹ «Банковское дело». О.И.Лаврушин М: «КНОРУС» 2008

Юқоридаги формула барча турдаги кредитлар учун кулланилади.

Ушбу фаолиятларнинг ҳар бир турини кенгроқ кўриб чиқадиган бўлсак, кредитлаш операциялари воситасини даромадларининг шаклланишини икки таркибий элементга бўлиш мумкин:

- мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш;
- бўш резерв маблағларини фоиз ҳисобига бошқа тижорат банкларига вақтинчалик фойдаланишга бериш.

Кредит беришнинг иккинчи тури банклараро кредит ёки бошқа банкдаги муддатли депозит шаклида ҳам бўлиши мумкин. Кредит бериш фаолиятининг ривожланиши шарт-шароитлари бўлиб, кредит муассасалари орасида маълумот айирбошлашнинг яхши йўлга қўйилганлиги, воситаларнинг мавжудлиги, яъни банк бозорида ресурсларни қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи воситачиларнинг борлиги ҳамда вакиллик ҳисобварақларини малакали бошқариш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикада банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина банклар қисқа ва узоқ муддатларга мавжуд маблағларни кредитга бериб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар. ҳар бир банк фоиз ставкаларини ўз кредит сиёсатига мос равишда белгилайдилар ва бу ставкалар бир-биридан фарқланиши мумкин, бироқ орадаги фарқ унчалик катта эмас, чунки барча банклар ўз фоиз ставкаларини Марказий Банк белгилаб берган мажбурий резерв ставкасига мос ҳолда белгилайдилар.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар банк тизимида кредитлашнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улар қай мақсадга йўналтирилганига қараб гуруҳланади. Хусусан, ипотека, ломбард, овердрафт, контокоррент истеъмол ва бошқа кўпгина кредит турларини санаб ўтиш мумкин. Бироқ

бизда одатдаги қисқа ва узоқ муддатга кредитлаш, улар очик ёки ёпик кредит линиялари орқали кўп ҳолларда қўлланилади. Кўпгина кредит турларининг амалиётда йўқлиги ҳали иқтисодий тизимнинг мукамал ривожланмаган-лигидан, капитал айланишининг сустлиги, кредитлаш билан боғлиқ кўпгина рисклар мавжудлиги каби омилларнинг мавжудлигидадир.

Дисконт – фаолиятнинг банк томонидан тўланмаган векселлар, чеклар ва талабномаларни маълум скидка-дисконт эвазига харид қилиши тушунилади.

Дисконт фаолиятининг асосий турларидан бири бўлиб, банкнинг факторинг операциялари ҳисобланади.

Факторинг операцияларининг икки хил тури бўлади:

- регресс ҳуқуқи билан;
- регресс ҳуқуқисиз.

Биринчи ҳолатда банк тўловчи томонидан қопланмаган мажбуриятни мол етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолатда эса банкда бу ҳуқуқ йўқ, шу боис риск юқори ва шунга яраша фоиз ҳам юқори қўйилади.

Банк томонидан факторинг операцияси учун оладиган фоизлар, яъни мукофот икки қисмдан ташкил топади, булар:

1. Тўлов амалга оширилгунга қадар банк кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар.

2. Факторинг операциясининг турига мос равишда бўладиган рисклар билан боғлиқ, ўрнатиладиган комисион мукофот бўлади.

Траст (ишонччилик) ва вакиллик операциялари бўйича банк фаолиятининг ушбу тури банкка даромадни мижоз мулкани (кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, ҳисоб рақамдаги маблағлар) бошқариш ёки ушбу мулкка доир айрим махсус топшириқларни бажариш орқали комисион тўловлар шаклида келтиради. Траст шартномаларида банк келишувига мувофиқ тарзда мижозга мулкларни бошқарш эвазига маълум фоиз ваъда

килади. Вакиллик, яъни агентлик хизмат турида банк ва мижоз орасида операциянинг аниқ тури белгилаб берилган бўлади. Траст операцияларида ҳам ўзига яраша мураккаблик мавжуд. Хусусан, жорий йилда мижоз мулкидан фойдаланиш эвазига келган даромад келишувга нисбатан паст бўлиши мумкин, бунда эса зарар банк томонидан қопланиши керак. Шу боис траст хизматлари учун коммиссион тўловлар ҳам юқорироқ бўлади. Юқоридаги хусусиятига кўра, траст хизмати учун коммиссион тўлов, ҳам қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- мулкни бошқариш, учун олинадиган ўзгарувчан тўлов;
- траст иши бўйича натижаларга мос равишда банк оладиган фиксирланувчи коммиссион мукофот.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари ҳам банка маълум даромад келтиради. Фаолиятнинг ушбу тури икки қисмдан ташкил топади. Яъни, буларга: банкнинг ўзи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши ва уларнинг бозорда сотилиши; бошқа эмитентлар қимматли қоғозлари билан боғлиқ иккиламчи бозордаги операциялар ҳамда корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш билан боғлиқ хизматлар киради. Тижорат банкининг ушбу туридан оладиган даромади ўзи чиқарган ва бошқа эмитентларнинг акциялар курсидаги фарқланиш ва хусусийлаштириш учун оладиган хизмат тўловларидан ташкил топади.

Чет эл банк тизимида қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар даромад манбалари орасида катта салмоққа егадир. Бунга асосий сабаблардан бўлиб, сармоя бозорларининг мукамал ва тўлиқ фаолият юритиши ҳамда капитал айланиш механизмларининг пухта ишлаб чиқилганлиги деб ҳам қараш мумкин. Афсуски, ўзимизда иккиламчи бозор амалда қарийб фаолият юритилмайди. Эндигина ДҚМО ва баъзи қимматли қоғозларнинг турлари бўйича операциялар амалга оширила бошланди. Бироқ ҳали мукамал фаолият кўрсатиш учун етарли даражага етишиш учун кўп вақт керак бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар ёрдамида банклар инвестицион фаолиятни амалга оширишлари мумкин бўлади. Бу эса банклар даромадларининг янги манбаларини кашф этади. Ундан ташқари маблағларнинг қимматли қоғозлар орқали молиявий инвестиция эвазига ишлаб чиқаришга йўналтирилиши иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг бизнинг мамлакатимизда яхши ривожланмаганлигига банклар ихтиёридаги маблағларнинг етарлича бўлмаслиги ва оқибатда акция, облигациялар сотиб олишга йўналтирил-маслиги ҳам сабаб бўлади. Маблағ мавжуд бўлганда ҳам акциялардан келадиган даромад жуда пастлиги ва кўпгина эмитентлар хўжалик фаолиятининг ишончсизлиги ҳам бу соҳани етарли эмаслигига олиб келади.

Банкнинг кафиллик фаолияти банкка пул шаклида даромад келтиради. Банк мижозларга кредитларини олиш учун ёки ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун турли хил кафиллик ва кафолатномалар беради ва эвазига пул шаклида комиссион мукофот олади. Баъзи ҳолларда мижоз учун кафиллик банк томонидан обрўни ошириш каби мақсадлар учун ҳам берилади.

Охирги йилларда ривожланган давлатларда катта аҳамиятга эга бўлиб бораётган нокредит характердаги мижозларга банк хизматини кўрсатиш даромад манбасининг муҳимлиги бўйича иккинчи ҳисобланади. Одатда бу даромадларни комиссион даромад дейилади. Хизматларга тўлов комиссион мукофот кўринишида олинади. Комиссион мукофот ҳамма қилинадиган операция ёки шартнома суммасидан фоиз кўринишида ўрнатилади.

Банк хизматлари жуда ҳам хилма-хилдир ва доимо хар хил янгиликлар билан тўлдириб борилади. Банкка комиссион даромад келтирувчи асосий хизматларга қуйидагиларни киритиш мумкин юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб касса хизматлари, пластик

карточкалар билан операциялар, банк кафолатларини бериш, мижозларнинг валюта шартнома-ларидаги банк хизматлари, қимматли коғозлар бозоридаги брокерлик хизматлар ва бошқалар.

Олдинлари Россияда, шунингдек кўпгина чет давлатларда кўпчилик банклар ҳисоб-китоб, касса ва бошқа хизматларини мижозларга текинга кўрсатишарди.¹⁰ Фоиз маржасининг пасайиши натижасида, яъни ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштиришнинг ўртача қийматлари орасидаги фарқ туфайли банклар бундай амалиётдан воз кечишларига тўғри келди. Ҳозирги пайтда тижорат банклари умумий даромадлари ҳажмида комисион даромадларнинг ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бу фақатгина фоиз маржаси даражасининг қисқаргани ва молия бозоридаги даромадларидан ташқари, комисион даромадларининг фоизли даромадларга нисбатан барқарорлиги билан боғлиқ.

Бундан ташқари банк чет эл валютасидаги воситаларни қайта баҳолаш орқали ҳам даромад олиши мумкин. Агар чет эл валютаси курсининг ошиши, шу валютадаги номиналлаштирилган банк активлари пассивларни оширади ва аксинча, чет эл валютаси курсининг пасайиши, шу валютада номиналлашган активларнинг ошишига олиб келади. Валюта курсининг катта тебраниши ва банкнинг валюта бозоридаги юқори активлиги шароитида, бу даромадлар банкнинг операцион даромадлари таркибида муҳим ҳиссага эга бўлиши мумкин.

Қўшимча фаолиятдан даромадлар банк даромадлари таркибида унчалик катта улушга эга эмас. Улар ўз ичига nobank характердаги хизматлар кўрсатишдан, корхона ва ташкилотлар фаолиятида иштирок этишдан, ижарага бериш ва бинони реализация қилишдан ва бошқалардан даромадлар олади.

Банклар ёрдамчи бўлимларнинг тижорат фаолиятидан қўшимча даромад олиши мумкин. Масалан, агар банк шахсий реклама хизматига эга

¹⁰ Банковское дело: дополнительные операции для клиентов: Учебник /под ред. проф. Тавасиева А.М. – М.: Финансы и статистика, 2005.

бўлса, ўз мижозларига реклама хизматларини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, бошқа хизматлар ҳам фақатгина банк фаолиятини таъминлашга эмас, балки мижозларга пуллик хизмат кўрсатишлари ҳам мумкин. Булар бўлиши мумкин: юридик, информацион, телекоммуникация, маркетинг, аудитор, транспорт ва бошқа хизматлар.

Банклар асосий ва қўшимча фаолият даромадларидан ташқари, бошқа даромадлар категориясига кирувчи бошқа даромадлар ҳам олиниши мумкин. Улар:

- жарима, пенялар, мижозлардан олинadиган жарималар,
- ортиқча тушумларнинг кассага тушиши;
- захира суммасини қайта тиклаш;
- ҳисобот йилида тушган ёки аниқланган-ўтган йилги даромадлар;
- даромадга солиқ ортиқча тўлаганлиги учун бюджетдан маблағ қайтариш ва бошқалар.

Бу даромадлар моҳиятан тасодифий ёки банкнинг ҳисобот даврида «Ишлаб топилмаган» ҳисобланади. Улар одатда келаси даврга даромад режаси тузилганда ҳисобга олинмайди.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозимки, тижорат банкларининг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли ва хилма-хилдир. Ягона бир холдинг компаниялари кўринишида, тижорат баиклари ва унинг жойлардаги филиаллари кўрсатадиган хизматларнинг хилма-хиллигига, мумкин қадар ўз мижозларига хизмат кўрсатишининг қулай ҳамда арзон турли кўрсатмалар буйруқлар сонини бир қадар чекланган тартибда қўллаш имкониятлари ривожланмоқда.

Тижорат банклари даромадининг моҳияти ва бошқа молиявий институтларидан фарқланиб турувчи хусусияти - банк пул ресурсларини ташкил этиб ва уларни юқори даромадли банк портфелларини яратиш лаёқати билан хусусиятланади.

Банк фаолияти тури бўйича даромадлар гуруҳи

Банк фаолияти турлари	Даромад турлари
Кредит операцияси	- кредит берганлик учун фоиз - векселлар бўйича фоизли даромад - ўтган йилги кредит операциялари бўйича даромад
Дисконт операцияси	- факторинг ва форфейтинг операциялари бўйича дисконт даромад
Қимматли қоғозлар билан операция	- узоқ муддатли мажбуриятларга қўйилмалардан даромад - қимматли қоғозларни қайта сотишдан даромад - қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялардан олинadиган бошқа даромадлар
Кафиллик фаолияти	- берилган кафолатлар бўйича олинган комиссиялар
Депозит операциялари ва миждоз топшириғи бўйича операциялар	- касса операцияси; - инкассация операцияси; - ҳисоб-китоб операцияларидан олинadиган комиссия
Валюта операцияси	- чет эл валютасида бўлган операция бўйича даромад - форвард, фьючерс, своп, опцион операцияларини ўтказишдан - даромадлар
Банк фаолиятининг бошқа йўналиши	- мулкни ижарага беришдан даромад - лизинг операцияларидан даромад - ахборот хизматларидан даромад - жарима, пенялар ва бошқалар

Тижорат банклари ресурсларини ташкил қилиш имкониятлари иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Улар мослашувчан кредит тизимини амалга оширмоқда, қайсики иқтисодиётни барқарор ривожланишига зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

¹¹ И.О.Лаврушин. “Управление деятельностью коммерческого банка”. Учебник. М.: 2003 г. Структурный анализ доходов, 283 с.

1.2. Банк харажатлари ва уларнинг туркумланиши


Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда харажатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради.

Харажат – бу пул воситасини ишлаб чиқариш (банк) ва ноишлаб чиқариш (нобанк) фаолиятларига ишлатиш (харажат қилиш) тушунилади.

Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан катъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади.

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда, харажатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради.

Одатда, банклар ўз зиммасига операция харажатлари, устама фоизларга кетган маблағлар, шунингдек, кредит риси билан боғлиқ бўлган йўқотишларни қоплаш учун ажратмаларни оладилар.



1.2.1. - расм. Банк харажатлари таркиби.¹²

Одатда, тижорат банклари харажатларини қуйидагича таснифланади:¹³

1. Операцион харажатлар:

1.1. фоизли харажатлар

¹² Сурукова М.А., Лешина Е.А., Багданова Н.А., Рябова М.А., «Аудит банков» укув қулланма. Ульяновск 2009

¹³ Е.П.Козлова, Е.Н.Голонина «Бухгалтерский учёт в коммерческих банках». М.: 1996 г.

1.2. комиссион харажатлар

1.3. молия бозоридаги операциялар бўйича харажатлар

1.4. бошқа операцияон харажатлар.

2. Банк фаолиятини функционаллаштиришни таъминлаши бўйича харажатлар.

3. Бошқа харажатлар

Юқоридаги харажат турлари мамлакатимиздаги ҳозирги банк тизимига тугри келмайди. Чунки бизда тижорат банклари харажатлари фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар ва операцион харажатларга бўлиб урганилади ва шу тартибда ишлашади. Бу харажат турларини кенгрок курадиган бўлсак, куйидагича туркумлаш мумкин:

Фоизли харажатлар

- Талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича
- Жамгарма депозитлар бўйича
- Муддатли депозитлар бўйича
- Депозит сертификатлар бўйича
- Хукумат ҳисобварақлари бўйича ЎзР МБига тўланадиган ҳисобварақлар бўйича
- Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича
- Бошқа карз маблағлари буйча
- Чикарилган карз қимматли коғозлари бўйича
- РЕПО битимлари бўйича
- Бошқа фоизли харажатлар

Фоизсиз харажатлар

- Хорижий валюталарда кўрилган зарарлар
- Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар
- Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар
- Инвестициялардан кўрилган зарарлар

- Бошқа фоизсиз харажатлар
Операцион харажатлар
- Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар
- Ижара ва таъминот харажатлари
- Хизмат сафари ва транспорт харажатлари
- Маъмурий харажатлар
- Репрезентация ва хайрия
- Эскириш харажатлари
- Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар
- Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
- Даромад солигини баҳолаш

Тижорат банклари фоизли харажатлари ичида жалб қилинган депозитлар бўйича харажатлар салмокли урин эгаллайди. Бу харажатлар ҳам фоизли даромадлар сингари кунлик ҳисоблаб борилади, яъни депозитлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисоблаб ёзилади ва куйидаги бухгалтерия ўтказмаси ёрдамида акс эттирилади:

$$\frac{\text{Депозит суммаси(колдиги)} \times \text{фоиз ставкаси} \times \text{амалдаги кунлар сони}}{365}$$

Дт 50100-51100 Депозитлар бўйича фоизли харажатларнинг тегишли ҳисобвараги;

Кт 22402 “Талаб қилиб олунгунча сакланадиган депозитлар бўйича тўлаш учун ҳисобланган фоизлар”.

Банк операцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар операцион харажатлар дейилади. Уларни тўғри ёки ўзгарувчан харажатлар дейиш мумкин. Чунки, харажатнинг катталиги банк амалга оширган операция ҳажмига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади.

Тижорат банкларининг харажатлари структураси ишлаб чиқариш корхонасиникига нисбатан бошқача бўлади. Банкларда ҳом-ашё ва материалларга катта харажатлар йўқ, эксплуатация ва асосий

воситаларнинг хизматларига харажатлар қиёсан унчалик катта эмас, хаттоки иш ҳақиға тўлов ҳам тижорат банклари харажатларининг умумий суммасида катта улушга эға эмас. Банк харажатлари структураси кўпроқ савдо-воситачилик корхоналари харажатлари структурасини эслатади. Маблағларни жойлаштиришда даромад олиш учун, аввало, бу маблағларни жалб қилиш керак. Кредит ва қўйилмаларнинг бир қисми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, кредит ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил қилади. Жалб қилинган маблағларга эса банк фоиз тўлаши керак. Одатда, тижорат банклари харажатларининг катта қисмини жалб қилинган маблағларга харажатлар ташкил қилади. Бу тўловлар фоиз шаклида амалга оширилганлиги учун, бу харажатлар фоизли дейилади.

Кредит фаолияти билан актив ишлайдиган универсал тижорат банкларида фоизли харажатларининг улуши ҳамма харажатларининг деярли 70% ини ташкил этиши мумкин. Фоизли харажатларнинг катталиги ва уларнинг харажатлар умумий ҳажмидаги улуши банк пассивлари тузилишига боғлиқ. Аҳоли омонатлари ва банклараро кредитлар банк учун қимматли ҳисобланади. Шунингдек, банклар юридик шахслар депозитлари ва чиқарилган қарз мажбуриятларига (облигация, фоизли векселлар ва депозит сертификатлари) нисбатан катта фоизлар тўлайди. Банк учун энг арзон харажат бўлиб, юридик шахсларнинг ҳисоб-китоб ва жорий сче́тидаги, жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча ҳисобракамидаги маблағлари ҳисобланади.

Банк мажбуриятлари структурасида бу маблағлар улуши қанча кўп бўлса, фоизли харажатлар шунча кам бўлади ва банк фойдаси кўпаяди.

Банк фоизли харажатларини унинг умумий ҳажмига нисбатан ўсиши, банкнинг кредит ресурсларини оладиган бозор конъюнктурасининг яхшимаслигидан ёки банкнинг бу бозорлардаги рақобат мавқеини ёмонлашганидан далолат беради. Фоизли харажатларнинг ўсиши, фоизли даромадларнинг адекват ўсиши билан ёнма-ён борса,бу хол нормал

ҳисобланади. Фоизли даромадларнинг ўсиш суръати фоизли харажатларнинг ўсишидан ошиб кетади, бу ҳол банк учун идеал ҳисобланади.

Одатда, молия бозоридаги операциялар бўйича харажатларни алоҳида гуруҳга ажратишади. Банк бу бозорлардан қимматликларни реализация қилиш бўйича даромадлар олади (қимматли қоғозлар, чет эл валюталари, қимматли металллар ва бошқалар), харажатларга эса, қимматликларни олиш учун кетган сарфлар киради. Банк кўпонли облигация сотиб олаётганида йиғилган кўпонли даромадларни тўлашига тўғри келади. Кўпонсиз қимматли қоғозлар одатда, дисконт билан сотиб олинади. Молия бозори конъюктураси ёмонлашганда, қимматбаҳо қоғозлар, чет эл валютаси ва бошқа мулкларни қайта баҳолаш натижасида, банк анчагина харажатлар кўришига тўғри келади.

Бевосита аниқ банк операциялари билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар: оборотдан ҳар хил солиқлар (Масалан: чет эл валютасини сотиб олишга солиқлар), мижозлар тўловлари бўйича почта ва телеграф харажатлари, инкассация харажатлари ва бошқалар. Бу харажатлар бошқа операцион харажатлар дейишади.

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажалар. Банкни функционаллаштиришни таъминлаш билан боғлиқ, аммо аниқ операцияларга тўғридан-тўғри бормайдиган харажатлар бу гуруҳга киради. Иқтисодий назарияда уларни эгри ёки шартли-доимий харажатлар дейилади.

Активлари ҳажми кичик ва ўрта бўлган банкларда бу харажатлар суммаси унчалик билинмайди. Жалб қилинган ва жойлаштирилган ресурслари ҳажми катта бўлган йирик банкларда банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар умумий харажатларнинг 40-55% ини ташкил этади.

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ходимларга харажатлар (иш ҳақи, ойлик мукофотлар, моддий ёрдам, ходимларга ҳар хил имтиёзлар бериш, сафар хизмати харажатлари, малакали кадрларни излаш ва ўқитиш бўйича харажатлар ва бошқалар);

2. Бино ва иншоотларга харажатлар (ижара, эскириш харажатлари, бинолар таъмири ва эксплуатацияси, коммунал тўловлар, ер солиғи, мол-мулк солиғи, бинони қўриқлашга харажатлар ва бошқалар)

3. Иш жойини асбоб-анжомлар билан таъминлашга харажатлар (сотиб олиш, таъмирлаш, банк ускуналарини саклаш, компьютер, мебел, куриқ- сигнализация, сейф, ҳисоб машиналари, валюта детектор лари ва бошқалар);

4. Рекламага харажатлар;

5. Банк фаолиятини информацион таъминлашга харажатлар (вакти-вакти билан бўлиб турадиган нашрлар, махсус адабиётларни сотиб олиш ва ёзилиш, информацион маҳсулотлар ва ташқи агентлар хизматига тўловлар, маркетинг изланишларига харажатлар);

6. Алоқа ва телекоммуникацияга харажатлар (алоқа каналларини ўтказиш ва ижараси, телефон ва интернет хизматига тўловлар ва бошқалар);

7. Транспорт харажатлари;

8. Банк фаолиятини таъминлаш бўйича бошқа харажатлар (аудиторлик текширувларига харажатлар, акционерлар йиғилишини ташкил этишга, нотариал ва юридик хизматларга тўловлар).

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатларни ҳар хил мезонлар бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:¹⁴

- жорий харажатлар ва капитал характердаги харажатлар (асосий воситаларни сотиб олиш);
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлар;
- чиқимларга тегишли харажатлар ва соф фойдадан амалга оширилган харажатлар;

¹⁴ Платонов В. Банковское дело: стратегическое руководство. М.: 2000

- меъёрий ва номуеърий харажатлар.

Меъёрий харажатларга сафар хизмати, реклама, кадрларни тайёрлаш ва бошқа айрим харажатлар кирилади. Бу ерда қонунда кўрсатилган меъёрлар доирасидаги харажатлар суммаси кўзда тутилади.

Даромад ва харажатларни гуруҳлаш мос равишда банк фойдасини операция фойдаси, қўшимча фаолиятдан олинган фойда, бошқа фойдага бўлинади.

Операция фойдаси (соф операция даромадлари) операция даромадлар ва операция харажатлар ўртасидаги фарқ орқали аниқланади. У қуйидагича шаклланади:

- Кредит операциялари бўйича фойда (зарар) – маблағларни жойлаштиришдан олинган фойда ва жалб қилинган ресурсларга тўланадиган фоизлар орасидаги фарқ;
- Қимматли қоғозлар бўйича операциялардан олинадиган фойда (зарар) – қимматли қоғозларни жойлаштиришдан олинган даромад ва қимматли қоғозлар билан операция харажатлари орасидаги фарқ;
- Хорижий валюталар билан боғлиқ операциялардан фойда (зарар) – хорижий валюталарни сотишдан олинган даромад билан уларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ўрацидаги фарқ;

Тижорат банклари ўз мижозларидан кунлик савдо тушумларини банк кассасига кириш килишда Марказий банкнинг Инкассация Бирлашмаси хизматидан фойдаланади ва бунда улар инкассация хизмати харажатларини қилади. Ҳозирда бу харажатлар ҳам банклар учун салмоқли харажатлар тоифасига кирмоқда.

Банк ходимлари ва банк ходимлари бўлмаган, яъни меҳнат битими асосида ишловчи ходимлар бажарган ишлари учун иш ҳақи тўлаш харажатлари, амалдаги қонунларга мувофиқ навбатдаги ва қўшимча таътиллار пулини, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш давлат мажбуриятларини бажаришлар учун сарфланган вақт эвазига ҳақ тўлаш каби харажатлар қилади.

Бундан ташқари банкларнинг фоизга даҳли йўқ харажатларига банк соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда қиладиган харажатлари киради. Тижорат банклари олий ўқув юртлари билан келишилган шартномадаги маблағларни тўлаб банк соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш, банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хизматлари учун ҳақ тўлайди. Бунда банклар номоддий актив шакллантиради ва бу келажакда ўз самарасини беради.

Бошқа харажатлар категориясига кўзга тутилмаган ҳолларда бўладиган тасодикий харажатлар киради. Бошқача қилиб айтганда, банк фаолиятидаги рискларни қоплашга кетган харажатлар дейиш мумкин. Бу харажатлар банк тизими сметасига қўшилади ёки олдинги даврдаги кўзда тутилмаган харажатлар даражасидан келиб чиққан ҳолда, сметада аниқ бир сумма назарда тутилади. Бошқа харажатларга қуйидагилар киради:

- штрафлар, пенялар, жарималар;
- ҳисобот даврида чиққан ўтган йилги харажатлар;
- банк мулкани реализацияси бўйича харажатлар;
- мижоз норозилиги бўйича тўланган тўловлар;
- бошқа харажатлар.

Одатда, банк даромадларининг $\frac{2}{3}$ қисми фоизли харажатларга, берилган кредитлар бўйича йўқотишларни қоплашда, солиқларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади. Харажатларга ликвидлилик каби устама фоиз ўзгаришлари пасивлар таркиби ва хусусий капитал ҳажми таъсир қиладди. Ўз навбатида, банк харажатлари таркибидаги ўзгаришлар активлар даромадлигига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб қиладди. Харажатларни тўғри ҳисоблаш банкларга муқобил консерватив ресурслар нархларини тақсимлаш ва банк активларини аниқ баҳолаш ҳамда харажатларни қоплаб, акциядорлар учун даромадларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Харажатларни баҳолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида қараш керак.

1.3. Тижорат банклари фойдасининг шаклланиш манбалари

Тижорат банкларининг фойдаси бу – даромадни харажат билан таққослаш натижасида даромаднинг ортган қисми кўринишдаги банк фаолиятининг якуний молиявий натижаси. Фойданинг ҳажми олинган даромад ва қилинган харажат миқдорига боғлиқ.

Фойда ҳажми 2 муҳим таркибий қисмга боғлиқ:

- ❖ Даромад;
- ❖ Харажат.

Банк даромадлари ва харажатлари ўртасидаги ўзаро муносабат фойда миқдорини аниқлайди.

Банк даромадлари - банк фаолияти натижасида тушган умумий тушум миқдори ҳисобланади. Банкнинг даромадлари асосан актив операциялар натижасида юзага келади. Тижорат банкларининг даромадлари ва уларнинг манбалари банк фаолиятига қараб, яъни тижорат банклари амалга оширадиган операциялар нуқтаи назаридан таснифланиши мумкин. Фаолиятларнинг ҳар бир тури банк ушбу операцияларда қандай вазиятда қатнашишига қараб ажралиб туради. Фаолият турларининг баъзилари актив операцияларга кирса баъзилари эса пассив операцияларга киради. Даромадлар ҳар бир фаолият туридан турлича келиши мумкин. Актив операциялардан келадиган даромад умумий даромадларнинг асосий салмоғини ташкил этади. Банк актив операцияларининг энг асосийси бўлган бу фаолиятдан олинган даромад жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган кредитлар бўйича олинган фоизлар билан жалб қилинган ресурслар бўйича банк томонидан тўланган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборатдир. Шу билан биргаликда, аслида бу ерда мана шу операциялар ҳиссасига тўғри келадиган, банк томонидан амалга ошириладиган моддий харажатларни ҳам ҳисобга олиш керакдир.

Тижорат банкларининг фаолиятига диққат билан назар соладиган бўлсак, «банк пул маблағларини мижозларга жойлаштиришдан олинган фоизлар банк фаолиятидан олинган даромадлар»га мос тушишини

аниқлашимиз мумкин. Шу билан биргаликда барча операциялар бўйича тижорат банкининг даромади пул маблағлари тушуми билан ўша операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат эканлиги ҳам эсдан чиқмаслиги лозим. Маълумки, тижорат банклари ҳисоб-китоб операцияларини, ҳисоб-касса хизматини кўрсатиш ва фонд операциялари бўйича ҳам маълум даромадга эга бўладилар. Тижорат банклари даромадининг моҳияти ва бошқа молиявий институтларидан фарқланиб турувчи хусусияти - банк пул ресурсларини ташкил этиб ва уларни юқори даромадли банк портфелларини яратиш лаёқати билан хусусиятланади.

Банк даромадлари икки асосий гуруҳга бўлинади:

- Фоизли даромадлар;
- Фоизсиз даромадлар.

Фоизли даромадлар - олдиндан шартнома асосида белгиланган фоиз ставка бўйича ҳисобланади. Булардан асосийлари кредит бўлиб банклар ўз капиталини тезроқ кўпайтириш мақсадида, жалб қилинган маблағлардан самарали фойдаланиш ва улардан фойдаланиб кўпроқ фойда олиш учун қисқа муддатли кредитга кўпроқ маблағ йўналтиради.

Ҳозирги кунда республикаимиз банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Банклар кредитлашнинг турли хилларидан фойдаланиб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар. Ҳар бир банк фоиз ставкаларини ўз кредит сиёсатига мос равишда белгилайди, бу ставкалар бир-биридан фарқланиши мумкин. Бироқ орадаги фарқ унчалик катта эмас, чунки барча банклар ўз фоиз ставкаларини Марказий банк белгилаб берган мажбурий резерв ставкасига мос ҳолда белгилайди.

Кредитлаш операциялари воситасида даромадларнинг шаклланишини икки таркибий элементга бўлиш мумкин:

- мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш;

➤ бўш резерв маблағларини фоиз ҳисобига бошқа тижорат банкларига вақтинчалик фойдаланишга бериш.

Кредит беришнинг иккинчи тури банклараро кредит ёки бошқа банкдаги муддатли депозит шаклида ҳам бўлиши мумкин. Кредит бериш фаолиятининг ривожланиш шарт-шароитлари бўлиб, кредит муассасалари орасида маълумот айирбошлашнинг яхши йўлга қўйилганлиги, воситаларнинг мавжудлиги, яъни банк бозорида ресурсларни қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи воситачиларнинг борлиги ҳамда вакиллик ҳисобварақларини малакали бошқариш ҳисобланади.

Банклар мижозларнинг ҳисобидан уларнинг топшириқларини бажариш билан боғлиқ коммиссион операцияларни ҳам олиб борадилар. Бундай коммиссион операциялар мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга пул ўтказишда, банк ўз мижозларига уларнинг ҳисобкитоб, жорий, валюта, қарз ва бошқа ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш бўйича кўрсатадиган хизматлар, нақд пул бериш (олиш) шунингдек ахборот, маслаҳат, экспертиза ҳамда бошқа хизматлар кўрсатишда юзага келади ва улардан олинадиган ҳақлар ҳам банк даромадини ташкил этади. Бундан ташқари банклар инвестиция бўйича, яъни қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали ҳам юқори даромад оладилар. Тижорат банклари қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш билан ҳам шуғулланиши мумкин. Яъни, банк қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага асосан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш орқали даромад кўради.

Фоизли даромадлар классификацияси:

- а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар;
- б) Бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар;
- с) Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар;

- д) Кредит операциялари бўйича фоизли даромадлар;
- е) РЕПО операциялари бўйича;
- к) Лизинг бўйича.

Фоизсиз даромадлар:

- Воситачилик операциялари бўйича фоизсиз даромадлар;
- Хорижий валюталардаги фойда;
- Тижорат операцияларидан фойда;
- Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар бўйича;
- Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар;
- Бошқа фоизсиз даромадлар.¹⁵

Фоизли харажатлар – барча мажбуриятлар бўйича тўпланган фоиз суммаси демакдир. Бизга маълумки тижорат банклари кредит ресурслари ташкил этишда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар қабул қилади. Ушбу депозитларга банклар маълум белгиланган фоизларда пул тўлайдилар. Тижорат банклари банк қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар тўлайдилар, шу жумладан, қимматли қоғозларининг сотув нархи билан номинал қиймати орасидаги салбий тафовут бўлганида, баъзи бир келтирилган, лекин тўланмаган фоизларни тўлашда банкларда фоизли харажатлар юзага келади.

Банклар фоизли харажатларининг яна бири кредит ва унга боғлиқ операциялардир. Банклар, энг аввало, Марказий банкдан, бошқа тижорат банкларидан, бюджетдан ташқари фондлардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан кредитлар олиши мумкин. Олган кредитлар учун тўланадиган қарз фоизли харажатларга киради. Банк аввалги йиллар (ҳисобот йилига нисбатан) ҳисобига тўлаган фоизлар ва воситачилик йиғимлари, ҳамда ўтган йилларда банк мижозлардан ортиқча ундирган

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17-июлдаги 578-сонли қарори билан тасдиқланган (2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган) " Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси " (янги таҳрир).

фоизлар, ҳамда воситачилик йиғимларини қайтариши билан фоизли харажатлар қилади.

Тижорат банклари ўз хўжалик фаолиятини амалга ошириши учун анчагина харажатлар сарфланишини талаб қилади, лекин харажатлардан ташқари банк фаолиятининг натижаси сифатида даромадлар вужудга келади. Даромад ва харажатни таққослаш натижасида банкнинг фойда ёки зарар кўринишидаги молиявий натижаси юзага келади. Фойдалилик тушунчаси банкнинг хўжалик-молиявий тижорат билан боғлиқ барча соҳаларининг ҳақиқий якуний натижасини ўзида акс эттиради. Даромадлар ҳисобига банкнинг барча операцион харажатлари қопланади, тўланадиган дивидендлар ҳажмини аниқлаш, ўз маблағларини ошириш, актив ва пассив операциялари ривожланиши учун банк фойдаси шакллантирилади.

Даромадларнинг харажатларга қараганда кўпроқ бўлиши банк фойдаси учун муҳимдир. Жаҳон экспертларининг фикрига кўра, банк фойдасининг ошишида банк ялпи даромадининг камида 70 фоизини фоизли даромадлар ташкил қилиши керак.

Одатда, фойда солиқ тўлагунга қадар ялпи фойда ва соф фойдага бўлинади. Банк томонидан эришилган ялпи фойда банк асосий фондларининг ошишига ва янгиланишига замин яратади, банк балансининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлайди. Балансдаги фойда фақатгина банк фаолиятининг оралиқ даврдаги молиявий натижасини кўрсатади. Банк соф фойдаси банкнинг барқарор ишлашини таъминловчи асосий элемент ҳисобланади, яъни у барча харажатлар қоплангандан кейин қоладиган даромад қолдиғи, резервлар шаклланиши ва фойда ҳисобига солиқлар тўланиши мумкин бўлган банкнинг якуний молиявий кўрсаткичидир.

Банкнинг банк операцияларидан оладиган молиявий натижаси операция фойдаси (зарари) деб аталади. Бу банк фойдасининг асосий манбаси. Нобанк фаолиятидан олинган молиявий натижалар операция билан боғлиқ бўлмаган фойда дейилади, операция билан боғлиқ бўлмаган

фойда салбий яъни зарарли. Улар банкнинг операцион фойдаси ҳисобига қопланиши керак.

Даромад ва харажатларни гуруҳлаш мос равишда банк фойдасини операция фойдаси, қўшимча фаолиятдан олинган фойда, бошқа фойдага бўлинади.

Операция фойдаси (соф операция даромадлари) операция даромадлар ва операция харажатлар ўртасидаги фарқ орқали аниқланади. У қуйидагича шаклланади:

➤ Кредит операциялари бўйича фойда (зарар) – маблағларни жойлаштиришдан олинган фойда ва жалб қилинган ресурсларга тўланадиган фоизлар орасидаги фарқ;

➤ Қимматли қоғозлар бўйича операциялардан олинган фойда (зарар) – қимматли қоғозларни жойлаштиришдан олинган даромад ва қимматли қоғозлар билан операция харажатлари орасидаги фарқ;

➤ Хорижий валюталар билан боғлиқ операциялардан фойда (зарар) - хорижий валюталарни сотишдан олинган даромад билан уларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ўрацидаги фарқ;

Шундай қилиб, операция фойданинг асосий таркиблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

➤ Фоизли фойда = фоизли даромадлар – фоизли харажатлар;
➤ Комиссия фойда = комиссия даромад – комиссия харажат;
➤ Бошқа операция фойдаси = бошқа даромадлар – бошқа харажатлар.

Қўшимча фаолият фойдаси – қўшимча фаолиятдан олинган даромад билан уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ.

Тижорат банкларининг даромад ва харажатларининг асосий қисмлари бу фоизлар ҳисобланади, у орқали банк фойдаси, фоизли маржа шаклланади.

Банкнинг бошқа операция фойдаси банкнинг мижозларга кўрсатадиган хизматларнинг ривожланиши билан боғлиқ.¹⁶

Хорижий мамлакатларда молиявий натижаларнинг шаклланиши куйидагича:

1. жами фоизли даромадлар;
2. жами фоизли харажатлар;
3. соф фоизли даромад ёки фоизли маржа (1-2 яъни жами фоизли даромадлар – жами фоизли харажатлар);
4. кредитлар бўйича зарарларни қоплаш захираси;
5. захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоиз даромади (3-4 яъни соф фоизли даромад - кредитлар бўйича зарарларни қоплаш захираси);
6. жами фоизсиз даромадлар;
7. жами фоизсиз харажатлар;
8. соф фоизсиз даромад ёки фоизсиз маржа (6-7 яъни жами фоизсиз даромадлар - жами фоизсиз харажатлар);
9. солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар) (5+8 яъни захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоиз даромади + соф фоизсиз даромад);
- 10.солиқлар;
- 11.солиқ тўлангандан кейинги соф фойда (9-10)¹⁷


Юзага келган соф фойда ҳисобидан акционерлар умумий йиғилишининг қарорига асосан дивидендлар тўланади. Соф фойданинг дивидендлар тўлангандан кейин қолган қисми тақсимланмаган фойда дейилади.

Тақсимланмаган фойда – резерв фондига ажратма ва дивидендлар тўланганидан кейин қоладиган фойданинг бир қисми ҳисобланади.

¹⁶ О. И. Лаврушина. Банковское дело / экспресс – курс / КНОРУС, 2009. – 96-105 с.

¹⁷ Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке / М.: Финансы и статистика, 2011.

Банк фойдасининг шаклланиш жараёнини осонроқ тасаввур қилиш учун қуйидаги расм орқали уни ифодалашимиз мумкин:



1.3.1. – расм. Тижорат банклари фойдасининг шаклланиши ва уни тақсимлашнинг умумий модели.¹⁸

Демак, расмдан шу маълумки, даромад ва харажатлар фойданинг шаклланишида иштрок этувчи асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Уларнинг ўртасидаги фарқ орқали банк фойда ёки зарар кўринишидаги молиявий натижага эишади. Шунингдек фойданинг шаклланиш жараёнида тўланадиган солиқларнинг ҳам таъсири мавжуд. Чунки агар банк солиқларни ўз вақтида ва талаб қилинган миқдорда тўлай олмаса, банкка нисбатан жарималарни белгилаш ва маъмурий жазоларни қўллаш каби оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин, ўз навбатида бу албатта банкнинг

¹⁸ Расм муаллиф томонидан тайёрланди.

имиджига ҳам ўз зарбасини кўрсатмай қолмайди. Банк фаолиятида унинг соф фойдаси алоҳида аҳамият касб этади.

1-боб бўйича хулоса. Соф фойда ҳажмининг пасайишига йўл қўймаслик тижорат банклари учун катта амалий аҳамият касб этади. Чунки юқорида айтганимиздек соф фойда ҳисобидан дивидендлар тўланади. Унинг етарли даражада бўлмаслиги банкларнинг оддий аксияларга тўланадиган дивидендлар миқдорини кам бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бу эса оддий аксияларнинг бозор баҳосини пасайишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида айрим акционерларнинг бошқа банкларга ўтиб кетиши юз бериши мумкин, бу эса банк устав капиталининг камайишига ва шунинг асосида банкнинг тўловга қобиллик даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Чет элда қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар даромад манбалари орасида катта салмоққа эга. Бунга асосий сабаблардан бўлиб, сармоя бозорларининг мукамал ва тўлиқ фаолият юритиши ҳамда капитал айланиш механизмларининг пухта ишлаб чиқилганлиги деб ҳам қараш мумкин. Фойдалилик банкнинг ўз маблағларини қўпайтиришнинг энг ишончли манбаи бўлиб, бу маблағлар банк фаолиятидан кўриладиган зарарларни қоплашга сарфланиши мумкин. Бундан ташқари банкнинг рентабеллик даражаси асоссиз равишда анча юқори бўлмаслиги лозим, чунки юқори даражадаги рентабеллик катта зарарлар хатари билан бирга келади. Энг яхши бошқариладиган банк ўз харажатларини қатий назорат қила олиши ва кредит лаёқатли қарз олувчиларни тўғри танлай олиш эвазига ўртачадан юқорироқ рентабелликка эриша олади. Тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий йўл бу банк амалиётини хатарсиз ва самарали ўтказишдир.

II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банклари даромадларини ҳисобга олиш тартиби

Тижорат банкларининг даромадларининг манбаалари, таркиби ва шаклланишини ҳисобга олиш тартибини тугри юритиш даромадларни таҳлил қилишни осонлаштириб, ҳамма учун тушунарли булишини таъминлайди.

Тижорат банкларининг даромадлари ва уларнинг манбаларини банк фаолиятига қараб, яъни тижорат банклари амалга оширадиган операциялар нуқтаи назаридан туркумлаш мумкин¹⁹. Тижорат банкларининг даромади банк фаолиятининг кредит бериш, дисконт фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, қимматли қоғозлар билан операциялари, депозитларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолият, бошқа банклар билан вакиллик муносабатларига асосланган фаолият, ноанъанавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият ва бошқа фаолият турлари натижасида шаклланади. Ушбу фаолиятларнинг ҳар бир тури банк ушбу операцияларда қандай вазиятда қатнашишига қараб ажралиб туради. Юқоридаги фаолият турларининг баъзилари актив операцияларга кирса, баъзилари эса пассив операцияларга киради. Даромадлар ҳар бир фаолият туридан турлича келиши мумкин. Актив операциялардан келадиган даромад умумий даромадларнинг асосий салмоғини ташкил этади.

Кредитлаш операциялари воситасида даромадларнинг шаклланишини икки таркибий элементга бўлиш мумкин: мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш; бўш захира маблағларини фоиз ҳисобига бошқа тижорат банкларига вақтинчалик фойдаланишга бериш. Кредит беришнинг иккинчи тури банклараро кредит ёки бошқа банкдаги муддатли депозит шаклида ҳам бўлиши мумкин.

¹⁹ Камышанов П.И., Камышанов А.П. Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ. – 5-е издание. – М.: Омега-Л, 2006. – 96 с.

Кредит бериш фаолиятининг ривожланиш шарт-шароитлари бўлиб, кредит муассасалари орасида маълумот айирбошлашнинг яхши йўлга қўйилганлиги, воситаларнинг мавжудлиги, яъни банк бозорида ресурсларни қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи воситачиларнинг борлиги ҳамда вакиллик ҳисобварақларини малакали бошқариш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамиз банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина банклар қисқа ва узоқ муддатларга мавжуд маблағларини кредитга бериб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар. Ҳар бир банк фоиз ставкаларини ўз кредит сиёсатига мос равишда белгилайдилар ва бу ставкалар бир-биридан фарқланиши мумкин. Бироқ орадаги фарқ унчалик катта эмас, чунки барча банклар ўз фоиз ставкаларини Марказий банк белгилаб берган мажбурий захира ставкасига мос ҳолда белгилайдилар.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар банк тизимида кредитлашнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улар қай мақсадга йўналтирилганига қараб гуруҳланади.

Хусусан, ипотека, ломбард, овердрафт, контокоррент, истёъмол ва бошқа кўпгина кредит турларини санаб ўтиш мумкин. Бироқ бизда одатдаги қисқа ва узоқ муддатга кредитлаш кўп ҳолларда қўлланилади. Кўпгина кредит турларининг амалиётда йўқлиги ҳали иқтисодий тизимнинг мукамал ривожланмаганлигидан, капитал айланишининг сустлиги, кредитлаш билан боғлиқ кўпгина хатарлар мавжудлиги каби омилларнинг мавжудлигидадир.

Дисконт — фаолиятнинг банк томонидан тўланмаган векселлар, чеклар ва талабномаларни маълум скидка-дисконт эвазига харид қилиши тушунилади²⁰. Дисконт — фаолиятнинг асосий турларидан бири бўлиб, банкнинг факторинг операциялари ҳисобланади. Факторинг операция-

20 Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос.-М.: Ф и С, 2004. -153 с.

ларининг ушбу тури икки хил бўлади: регресс ҳуқуқи билан; регресс ҳуқуқисиз.

Биринчи ҳолатда банк тўловчи томонидан қопланмаган мажбуриятни мол етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолатда эса банкда бу ҳуқуқ йўқ шу боис хатар юқори ва шунга яраша фоиз ҳам юқори қўйилади. Банк томонидан факторинг операцияси учун оладиган фоизлар, яъни мукофот икки қисмдан ташкил топади, булар:

1) тўлов амалга оширилгунга қадар банк кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар;

2) факторинг операциясининг турига мос равишда бўладиган хатарлар билан боғлиқ ўрнатиладиган комисион мукофот бўлади.

Мижозларга берилган кредитлар бўйича фоизли даромадларга боғлиқ баъзи бухгалтерия ўтказмаларини куриб утамиз:

-Юридик корхоналар(ХК,МЧЖ,ХФ)га берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар:

1) Дт-16309 – *Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар*

Кт-42601 – *Хусусий корхоналар, хужалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар*

2) Дт-16309 – *Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар*

Кт-44601 – *Хусусий корхоналар, хужалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар*

-Давлат корхоналари бўйича қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар:

1) Дт-16309 – *Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар*

Кт-42201 – *Давлат корхона, ташиқлот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар*

2) Дт-16309 – *Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар*

Кт-44401 – *Давлат корхона, ташиқлот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар*

-Жисмоний шахсларга берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар:

1) ДТ-16309 – *Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар*

КТ-42001 - *Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар*

2) ДТ-16309 – *Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар*

КТ-44301 - *Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар* ва х.к.

Барча даромад ҳисобварақлари пассив ҳисоб ракам бўлганлиги сабабли бу ҳисобракам кредитланганда кўпайиб, дебетланганда камайиб боради. Бу ҳисоб ракам дебетланиши иккита ҳолатда бўлади, яъни биринчиси: нотугри ёки ортикча ҳисобланган даромадлар қайтарилиши, бунда тугирлаш амалиёти билан тегишли ҳисобракамга қайтарилади ва иккинчиси: йил якунланганда даромад ҳисобракам дебетланиб, харажат ҳисобракам кредитланади, бунда даромад ҳисобракамида қолган сумма соф фойдага олиб борилади.

Траст (ишонччилик) ва вакиллик операциялари бўйича банк фаолиятининг ушбу тури банкка даромадни мижоз мулкни бошқариш ёки ушбу мулкка доир айрим махсус топшириқларни бажариш орқали коммиссион тўловлар шаклида келтиради. Траст шартномаларида банк келишувга мувофиқ тарзда мижозга мулкларни бошқариш эвазига маълум фоиз ваъда қилади. Вакиллик, яъни агентлик хизмат турида банк ва мижоз орасида операциянинг аниқ тури белгилаб берилган бўлади. Траст операцияларида ҳам ўзига яраша мураккаблик мавжуд. Хусусан, жорий йилда мижоз мулкдан фойдаланиш эвазига келган даромад келишувга нисбатан паст бўлиши мумкин, бунда эса зарар банк томонидан қопланиши керак. Шу боис траст хизматлари учун коммиссион тўловлар ҳам юқорироқ бўлади. Юқоридаги хусусиятга кўра, траст хизмати учун коммиссион тўлов ҳам қуйидаги элементлардан ташкил топган: мулкни бошқариш учун олинадиган ўзгарувчан тўлов; траст иши бўйича

натижаларга мос равишда банк оладиган фиксирланувчи комиссиян мукофот.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари ҳам банкка маълум даромад келтиради. Фаолиятнинг ушбу тури икки қисмдан ташкил топади. Яъни, буларга: банкнинг ўзи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши ва уларнинг бозорда сотилиши; бошқа эмитентлар қимматли қоғозлари билан боғлиқ иккиламчи бозордаги операциялар ҳамда корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш билан боғлиқ хизматлар киради. Банкнинг тижоратнинг ушбу турида оладиган даромади ўзи чиқарган ва бошқа эмитентларнинг акциялар курсидаги фарқланиш ва хусусийлаш-тириш учун оладиган хизмат тўловларидан ташкил топади.

Масалан, мижозларнинг сумдаги маблағларини конвертация қилиб бериш орқали тижорат банклари воситачилик ҳақлари олади, бу хизмат ҳақлари мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ ундирилади, бухгалтерия ўтказмасини курадиган бўлсак:

ДТ-16401 - *Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва курсатилган хизматлар учун тўловлар*

ДТ-20XXX - *мажбуриятлар*

КТ-45294 - *Бошқа курсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар*

Чет эл банк тизимида қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар даромад манбалари орасида катта салмоққа эгадир. Бунга асосий сабаблардан бўлиб, сармоя бозорларининг мукаммал ва тўлиқ фаолият юритиши ҳамда капитал айланши механизмларининг пухта ишлаб чиқилганлиги деб ҳам қараш мумкин. Афсуски, ўзимизда иккиламчи бозор амалда қарийиб фаолият юритмайди. Эндигина ДҚМО ва баъзи қимматли қоғозларнинг турлари бўйича операциялар амалга оширила бошланди. Бироқ ҳали мукаммал фаолият кўрсатиш учун етарли даражага етишиш учун кўп вақт керак бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар ёрдамида банклар инвестицион фаолиятни амалга оширишлари мумкин бўлади. Бу эса банклар учун даромадларнинг янги манбаларини кашф этади. Ундан ташқари маблағларнинг қимматли қоғозлар орқали молиявий инвестиция эвазига ишлаб чиқаришга йўналтирилиши иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг бизнинг мамлакатимизда яхши ривожланмаганлигига банклар ихтиёридаги маблағларнинг етарлича бўлмаслиги ва оқибатда акция, облигациялар сотиб олишга йўналтирилмаслиги ҳам сабаб бўлади. Маблағ мавжуд бўлганда ҳам акциялардан келадиган даромад жуда пастлиги ва кўпгина эмитентлар хўжалик фаолиятининг ишончсизлиги ҳам бу соҳанинг етарли ишламаслигига олиб келади.

Банкнинг кафиллик фаолияти банкка пул шаклида даромад келтиради. Банк мижозларга кредитларини олиш учун ёки ҳисобкитобларни амалга ошириш учун турли хил кафиллик ва кафолатномалар беради ва эвазига пул шаклида комисион мукофот олади. Баъзи ҳолларда мижоз учун кафиллик банк томонидан обрўни ошириш каби мақсадлар учун ҳам берилади.

Кафолат бўйича мижозлардан комисион даромад куйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дт-20XXX – *мажбуриятлар*

Дт-16401 *Ҳисобланган воситачилик хаки ва курсатилган хизматлар учун тўловлар*

Кт-45261 - *Кафолатлар ва кафилликлар бўйича операцияларни амалга оширишда курсатилган хизматлар учун олинган даромадлар*

Кафолат ва кафилликлар бўйича даромадлар фоизлари мижоз билан келишилган ҳолда шартномада курсатилиб утилади. 45261 ҳисоб раками номланиши – “кафолатлар ва кафилликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар” бўлиб, унда

банклар корхоналарга берган кафолатлар бўйича маълум фоизда олган даромади акс эттирилади.

Маблағларни депозитларга жалб қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолият бўйича операциялар қуйидаги шаклларда даромад келтириш имконини беради: 1) коммиссион тўловлар: ҳисобварақ очиш учун; ҳисобварақ юритиш учун; 2) маълум давр учун ўзгарувчан тўловлар; 3) оборотдан коммиссион ҳақ (оборотдан % шаклида); ҳисобварақда бўлган операциялар ҳақида кўчирма; ҳисобварақни ёпиш; ҳисоб-китоб бўйича операцияларни амалга ошириш. Банкларнинг даромадлари юқоридаги фаолият турларининг барчасидан ёки бир қисмидан ташкил топиши мумкин.

Даромадларнинг барқарорлиги бўйича таҳлил ҳам муҳим аҳамиятга эга. Банкнинг барқарор даромадларига узоқ вақт давомида етарли ва доимий бўлган даромадлар киради. Юқори барқарорлик банкнинг асосий фаолияти билан боғлиқ. Шунингдек, унинг риски ҳам юқоридир. Даромадлар қанчалик нобарқарор бўлса, даромадларнинг сифати ҳам шунча паст бўлади. Банкнинг барқарор даромад турларига кредитлар бўйича фоизли даромадларни, дивидендлар кўринишидаги даромадларни, қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича операциялардан олинадиган даромадлар, воситачилик кўринишидаги даромадлар киради.

Республикамиз банк тизимида юридик ва жисмоний шахслар маблағларини банклар томонидан депозитларга жалб қилиш банк хизматлари орасида энг кўп тарқалган туридир. Ҳозир барча юридик шахслар ҳисобварақлари банкларда талаб қилиб олингунча депозит шаклида бўлиб, банклар уларни юритиш билан даромад оладилар. Яъни ҳар бир утказилган операция эвазига банк фиксирланган фоизларни ушлаб қолади ва шундан даромад кўради. Банк ноанъанавий хизматларидан келадиган даромад лизинг операциялари, ахборот, маслаҳат хизматларни кўрсатиш орқали келади.

Таҳлил давомида банк даромадига таъсир қилувчи омиллардан бири бу банкнинг активлари ҳисобланади. Қуйидаги жадвал орқали ҳисоб китоб қилишда банк активларнинг қанчалик даромадлигини аниқлаймиз. Тижорат банкларининг даромадлигини аниқлашда қуйидаги 1.3.2.- жадвал маълумотларидан фойдаланиб, молиявий коэффисентлар таҳлил қилинади.

Шундай қилиб, юқоридагилардан келиб чиқиб, банк даромадларини шаклига кўра қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: фоизли даромад; кўрсатилган хизматлар учун комисион тўлов – фоизсиз даромад; бошқа даромадлар — валюта курсларидаги фарқлар, баланс ва бозор нархларининг фарқланиши ва бошқалар бўйича.

2.1.1.-жадвал

Тижорат банкларнинг даромадлигини баҳоловчи коэффисентлар²¹

№	Коэффисентлар	Жаҳон банки мутахассисларининг тавсиясига кўра белгиланган меъёр даражаси
1	$K_1 = \text{соф фоизли даромад} / \text{жами активлар}$	3-4%
2	$K_2 = \text{фоизсиз даромад} / \text{жами актив}$	Ҳар банкнинг ўзига боғлиқ
3	$K_3 = \text{фоизсиз даромад} - \text{фоизсиз харажат} / \text{соф фоизли даромад}$	1-синф 48% 2-52% 3-57% 4-61% 5-64% 6-67%
4	$K_4 = \text{фоизли даромад} / \text{жами активлар}$	1-синф 4.6% 2-3.4% 3-4.0% 4-3.7% 5-3.4% 6-3.2%

²¹ Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке / М.: Финансы и статистика, 2011

Тижорат банкларининг янги қабул қилинган бухгалтерия режасини караб чиқадиган бўлсак бу ерда даромадлар қуйидагича таснифланади (2.1.1.-расмга қаранг).



2.1.1.-расм. Тижорат банкларида даромадларнинг таркибланиши²².

Республикамиз тижорат банкларининг 2013йил ва 2014 йиллардаги жами даромадлари таркиби билан танишиб чиқсак.

2.1.2.-жадвал

Республикамиз тижорат банкларининг даромадлари таркиби (Фоизда)²³

Жами даромадлар	2013 йил	2014 йил	Ўзгариши %да
Фоизли даромадлар	59,76	62,1	2,34
Воситачилик даромадлари	29,91	27,65	-2,26
Хорижий валютадан олинган даромадлар	4,25	4,12	-0,13
Тижорат операцияларидан олинган даромадлар	0,0016	0,0005	-0,0011
Инвестициядан олинган даромадлар	1,07	0,59	-0,48
Бошқа даромадлар	5,00	5,54	0,54
	100%	100%	0


Жадвал маълумотларидан кўринадики даромадларнинг 60%и фоизли даромадларга тегишлидир. 2013 йилда 59,76 %ни ташкил қилган бўлган бўлса, 2014 йилда 62,1 % ни ташкил қилган. Яъни фоизли даромадлари 2,34 %га кўпайга. Қолган даромадлари эса аксинча 2013 йилга нисбатан пасайиш тенденциясига эга.

²² Расм муаллиф томонидан тайёрланди.

²³ “Axborot-reyting” журнали. 2015 йил, феврал. №38. 25 бет.

Ҳозирги кунда инвестицияга эътибор катта бўлганлиги учун АТ “Алоқабанк” ҳам инвестицияга эътибор қаратиши лозим. Бунини биз юқоридаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин. Яъни инвестицияга қилинаётган эътибор 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 0,48%га камайганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида банк активларини инвестицияга тўғри йўналтирилмаётганлигидан далолат беради.

Банк даромадларини таҳлил қилаётганда унинг ўзгариш динамикасига ҳам эътибор бериш керак.




2.1.2.-расм. АТ “Алоқабанк” даромадларининг ўсиш динамикаси динамикаси²⁴, (млрд. Сўм)

2.1.2.-расмдан кўриниб турибдики банк даромадлари 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 53,5%га, 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 97,7%га ва 2014 йилда эса 2010 йилга нисбатан қарийиб 3,9 баробарга яъни 286 % га ўсган. Бундан кўринадики банкнинг даромадлари йилдан-йилга қарийиб 30-40% дан ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

²⁴ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бундан ташқари тижорат банкларида ҳозирги кунда камайиб кетаётган воситачилик даромадлари ҳам АТ «Алоқабанк»да жорий даврда ўтган йилга нисбатан камайганлигини кўришимиз мумкин.

2014 йилда банк даромадларини шакллантириш тартиби АТ «Алоқабанк» мисолида кўриб чиқсак.



2.1.3.-расм. АТ «Алоқабанк»нинг даромадлари таркиби²⁵.

2.1.3.-расм маълумотларидан кўриниб турибдики АТ «Алоқабанк»нинг даромадлари 2014 йилда 128547287 минг сўмни ташкил қилган. Фоизли даромадлари 86637743 минг сўмни, яъни жами даромаднинг 67,4 %ини ташкил қилган. Фоизсиз даромадлари 41909544 минг сўмни, яъни жами даромаднинг 32,6 % ини ташкил қилган. Ушбу ҳолат банк учун ижобий деб айтиш мумкин, лекин фоизсиз даромад турларини ҳам ошириш зарур. Чунки жами даромадларнинг 1/3 қисмини фоизсиз даромадлар ташкил қилмоқда. Бунда банк хизмат кўрсатиш ва консолтинг хизматларига камроқ эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Энди АТ «Алоқабанк» нинг фоизли даромадларини жадвалда кўриб чиқадиган бўлсак.(2.1.3.-жадвал)

²⁵ Банк ахборотномаси газетаси № 18-19 (989-990), 2015 й., 30 апрел. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

2.1.3.-жадвал.

АТ «Алоқабанк»нинг фоизли даромадлари таркиби²⁶

№	Моддалар	2014 йил	
		минг сўм	Улуши
1	УзРМБидаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар	102,2	0,00
2	Бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар	895331,8	0,7
3	Банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан миқдорлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлар	2461965,6	2,0
4	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	20983,5	0,0
5	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	859023,4	0,7
6	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	2573805,3	2,1
7	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	525,8	0,0
8	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	238604,7	0,2
9	Хусусий корхоналар, ҳужалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	5912906,3	4,8
10	Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	130891,2	0,1
11	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	2014308,5	1,7
12	Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	14450046,2	11,8
13	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	3347388,7	2,7
14	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	3529275,1	2,9
15	Хусусий корхоналар, ҳужалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	47282287,9	38,7
16	Сундириш муддатигача сакланадиган қарз қимматли қоғозларга килинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар	498630,1	0,4
17	Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар	1039440,9	0,9
18	Бошқа фоизли даромадлар	36772790,4	30,1
17	Жами фоизли даромадлари	122028307,6	100,00

²⁶ Жадвал АТ «Алоқабанк»нинг йиллик ҳисоботлари асосида мултиф томонидан тузилди

АТ «Алоқабанк»нинг фоизли даромадлари 2014 йилда 122028307,6 минг сўмни ташкил қилган. Унинг асосий қисмини, яъни 47282287,9 минг сўмни Хусусий корхоналар, хужалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар ташкил этади. Бу банк фоизли даромадининг 38,7 %ини ташкил қилади. Қолган фоизли даромадлар: ЎЗР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоиз даромади деярли 0 % ни, жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар 11,8%ни, хусусий корхоналар, хужалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар 4,8%ни, яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар 1,7 %ни, Бошқа фоизли даромадлар 4,28 %ни ташкил қилади. АТ «Алоқабанк»нинг асосий фаолияти миқдорларни кредитлашга йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Лекин банкнинг молиявий бозордаги фаолияти анча сустлигини кўриниб турибди. Банк ушбу йўналишдаги фаолиятини ривожлантирса мақсадга мувофиқ бўлади.

Энди АТ «Алоқабанк» нинг 2014 йилдаги фоизсиз даромадларини таркибини кўриб чиқсак. Қуйидаги жадвалдан ҳам кўриниб турибдики фоизсиз даромаднинг асосий қисмини маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар ташкил қилади. 2014 йилда бу даромад 26300610,3 минг сўмни ташкил қилиб, фоизсиз даромадлар таркибида 51,2%ни ташкил қилган. Қолган фоизсиз даромадлар ичида қолганларига нисбатан Бошқа курсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар салмоқлироқ уринни ташкил қилади, яъни 11,1% . Бу ерда бошқа операцион даромадларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу даромадларга кредитлар бўйича воситачилик даромадлари, менежмент хизмати бўйича даромадлар, хорижий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар, “спот” битими бўйича хорижий валюталардаги фойдани киритиш мумкин (2.1.4-жадвал).

2.1.4-жадвал²⁷.

АТ «Алоқабанк» нинг фоизсиз даромадлари таркиби

№	Моддалар	2014 йил	
		минг сўм	Улуши
1	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг	87263,5	0,2
2	Аккредитивлар ва акцептлар бўйича воситачилик ва бошқа хизматлар учун олинган даромадлар	739120,8	1,4
3	Кредитлар бўйича воситачилик даромадлари	3325026,6	6,5
4	Кредит мажбуриятлари бўйича курсатилган хизматлар учун олинган даромадлар	12029,3	0,0
5	Менежмент хизмати бўйича даромадлар	3614353,3	7,0
6	Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар	26300610,3	51,2
7	Хорижий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар	2960369,0	5,8
8	Кафолатлар ва кафилликлар бўйича операцияларни амалга оширишда курсатилган хизматлар учун олинган даромадлар	411991,6	0,8
9	Бошқа курсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар	5722049,9	11,1
10	“Спот” битими бўйича хорижий валюталардаги фойда	4073726,3	7,9
11	Карам ҳужалик жамиятларига килинган инвестициялардан олинган фойда – Молиявий институтлар	435480,0	0,8
12	Шуъба ҳужалик жамиятларига килинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар – Бошқалар	36906,0	0,1
13	Хусусий капиталга килинган инвестиция бўйича олинган дивидендлар	46097,5	0,1
14	Банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар	1131849,1	2,2
15	Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда	161907,5	0,3
16	Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда	23188,9	0,0
17	Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши	2065001,5	4,0
18	Бошқа фоизсиз даромадлар	233227,1	0,5
Жами фоизсиз даромадлар		51380198,4	100

²⁷ Жадвал АТ «Алоқабанк»нинг йиллик ҳисоботлари асосида муллик томонидан тузилди


2.2. Тижорат банклари харажатлари ҳисоби ва таҳлили

Ҳар бир тижорат банклари ўз фаолиятларини олиб боришдан мақсади фойда олиш экан, бунда улар кам харажат қилиб, юқори даромад олишга интилишади.

Юқоридаги бобда кўриб ўтилганидек, харажатлар фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларга бўлинади.

Фоизли харажатлар - барча мажбуриятлар бўйича тўпланган фоиз суммаси демакдир.

Тижорат банки харажатларини қуйидагича таркибий қисмларга бўлиб, келтириш мумкин:



2.2.1.-расм. Банк харажатларининг таснифланиши шакли бўйича²⁸

Бизга маълумки, тижорат банклари кредит ресурслари ташкил этишда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, жамгарма ҳамда муддатли депозитлар қабул қилади. Ушбу депозитларга банклар маълум белгиланган фоизларда маблаг сарфлайдилар. Тижорат банклари банк қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар тўлайдилар, шу жумладан, қимматли қоғозларнинг сотув нархи билан номинал қиймати орасидаги салбий тафовут бўлганида, баъзи бир келтирилган, лекин тўланмаган фоизларни тўлашда банкларда фоизли харажатлар юзага келади.

Банклар фоизли харажатларининг яна бири кредит ва унга боғлиқ операциялардир. Банклар энг аввало, Марказий банкдан, бошқа тижорат банкларидан, бюджетдан ташқари фондлардан, банк бўлмаган молиявий

²⁸ Ш.З.Абдуллаева. Банк иши. Т.Молия. 2007 й.

муассасалардан кредитлар олиши мумкин. Олган кредитлар учун тўланадиган қарз фоизли харажатларга киради.

Банк аввалги йиллар (ҳисобот йилига нисбатан) ҳисобига тўланган фоизлар ва воситачилик йиғимлари, ҳамда ўтган йилларда банк мижозларидан ортиқча ундирган фоизлар, ҳамда воситачилик йиғимларини қайтариши билан фоизли харажатлар қилади.

Фоизсиз харажатларга валюта амалиётлари бўйича турли валюта харажатлари, алоқа каналлари учун, инкассация хизмати учун, биржа хизмати учун каби харажатлар, ускуна ёки биноларни ижарага олиш, харид қилиш шунингдек, бошқа операцион харажатлари киради.

Енди республикамиз тижорат банкларининг 2013 йил ва 2014 йиллардаги жами харажатлари таркибининг ўзгариши билан танишиб чиқамиз.

2.2.1-жадвал

Республикамиз тижорат банкларининг харажатлари таркиби²⁹

Жами харажатлар	2013 йил	2014 йил	Ўзгариши %да
Фоизли харажатлар	39,54	40,81	1,27
Воситачилик харажатлари	6,87	6,29	-0,58
Хорижий валютадан кўрилган зарар	1,34	1,53	0,19
Олди-сотди ҳисобларидан кўрилган зарар	0	0	0
Инвестициядан кўрилган зарар	0,009	0,014	0,005
Бошқа харажатлар	0,14	0,08	-0,06
Операцион харажатлар	42,6	41,98	-0,62
Солиқлар, резервлар ва бошқа тўловлар	9,5	9,3	-0,2
	100%	100%	

Жадвал маълумотларидан харажатлар таркибини кўрадиган бўлсак, фоизли харажатлар, хорижий валютадан кўрилган зарар, инвестициядан

²⁹ “Ahbor-reyting” журнали. 2015 йил, феврал. №38. 25 б.

кўрилган зарарларда ўсишни кузатишимиз мумкин. Қолган харажатларда эса аксинча камайишни кузатишимиз мумкин.

Тижорат банклари харажатларини таркибий жихатдан чуқурроқ кўриб чиқиш учун АТ «Алоқабанк» нинг харажатларини таҳлил қиламиз. Банк харажатлари ўрганишда ҳам уларни умумий таркиби бўйича кўриб чиқиш керак ва харажатларнинг ҳар бири таркибини, яъни фоизсиз, фоизли ва операцион харажатларнинг таркибини ўрганиш керак. Авваламбор банкнинг жами харажатлари таркиби ва динамикаси ўрганилади.



2.2.2- расм. АТ «Алоқабанк» харажатларининг таркиби³⁰

АТ «Алоқабанк» харажатлари 2014 йилда 151338505,9 минг сўмни ташкил этган. Унинг асосий қисми банк фоизли харажатларига тўғри келади, бу харажат 79952003,8 минг сўмни ташкил этиб, банк жами харажатлари таркибида 52,8 %ни ташкил этади. Фоизсиз харажатлар эса 6195742,4 минг сўмни ташкил этиб, 4,1 % улушга эга. Операцион харажатлар 65190759,7 минг сўмни ташкил этиб, 43,1 % улушга эга бўлган. Юқоридаги уч гуруҳга бўлинган харажатларни ҳисоботда тўлиқ ёритилмаганлиги сабабли таркибини ўрганиш имкони йўқ.

³⁰ Банк ахборотномаси газетаси № 18-19 (989-990), 2015 й., 30 апрел. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

2.2.2.- жадвал

Фоизли харажатларнинг даромаддаги улуши³¹

(01.01.2012, 01.01.2015 йиллар ҳолатига, минг сўмда).

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Фоизли харажатлар	23509109,4	43970957,9	59225189,5	79 506 233,1
Жами даромадлар	66944349,4	102785073,7	132337007	173408505,9
Фоизли харажатларнинг жами даромаддаги улуши %	35,1	42,8	44,8	45,8

АТ “Алоқабанк”нинг йиллар кесимидаги фоизли харажатларини кўрадиган бўлсак, бу кўрсаткич йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга ва жами даромадлардаи улуши ҳам камайиб боровчи арифметик прогрессия сингари ошиб бормоқда. Яъни охирги 3 йилда бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 2%дан 1%га тушганлигини кўришимиз мумкин.

Тижорат банклар ўз операцион харажатларини банк Бошқаруви томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета доирасида амалга оширадилар. Банкнинг операцион харажатлари сметаси бўйича маблағларни банк раҳбари тасарруф этади. Банк раҳбари банк бўйича буйруқ чиқариб, смета харажатларини тасарруф этиш ҳукукини ўз ўринбосарига ишониб топширишга ҳақлидир. Банк Бошқаруви раиси ҳам буйруқ чиқариб смета бўйича харажатларни тасарруф этиш ҳукукини ўзининг биринчи ўринбосарига бериши мумкин. Бирок, смета бўйича харажатларни тасарруф этиш ҳукукини бошқа шахсга бериб қўйиш билан банк Бошқарув раисини унинг смета интизоми ахволи учун қонунда белгиланган шахсий жавобгарликдан озод қилмайди.

³¹ АТ “Алоқабанк”нинг 2011, 2012, 2013 ва 2014 йиллардаги молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета маблағлари ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабригача ўтказилиши лозим.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банклар томонидан балансда қуйидаги тегишли ҳисобварақларда юритилади:

- «Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар»;
- «Ижара ва таъминот харажатлари»;
- «Хизмат сафари ва транспорт харажатлари»;
- Маъмурий харажатлар»;
- «Репрезентация ва хайрия»;
- «Эскириш харажатлари»;
- «Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар» ва шу кабилар. Бу ҳисобварақларга фақат ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда қилинган харажатлар киритилади.

Келгуси йиллар сметалари ҳисобидан банкнинг операцион харажатлари учун қилинадиган харажатлар ҳисоби - «Пули олдиндан тўланган харажатлар» ҳисобварағида юритилади. Бу ҳисобвараққа йил охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш ҳақи хусусан келаси йилга тегишли тўловлар, келаси йил учун газеталарга обуна бўлиш харажатлари, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни копланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси ва шу кабилар ўтказилади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида шу йилга тааллуқли харажатлар. Олдиндан тўланган харажатлар номли 19925 ҳисобварақдан Марказий банкдаги қуйидаги тегишли иккинчи тартиб ҳисобварақларига «Иш ҳақи» номли 56102, «Даврий нашрлар, китоблар, газеталар» номли 56418, «Ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш» номли 56216 - ҳисобварақларга ва тижорат банкларидаги бошқа тегишли

ҳисобварақларга ўтказилади. Даврий нашрлар, газета ва журналларга обуна тўловлари йил давомида ойма-ой бир хил миқдорда

ДТ-56418 Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар

КТ-19925 бухгалтерия ўтказмаси орқали харажатга олиб борилади.

Ҳозирда ходимларга 2 ёшгача болалар пули корхоналар уз маблағлари ҳисобидан тўлаб бериляпти. Бу харажат 56118 ҳисоб рақамида юритилади.

Операцион харажатларни расмийлаштиришда бухгалтер 29802 - ҳисобварақдаги бўлақларни ҳисобга олган ҳолда смета маблағнинг қолдиғи ушбу чиқимни тўлаш учун етарли эканлигини текширади.

«Иш ҳақи ва ходимлар учун сарфланган бошқа харажатлар -56102», «Хизмат сафари йўл харажатлари - 56302» ва «Хизмат сафари вақтидаги кундалик харажатлар» ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобварақлар махсус шаклда банк ходимлари шахсий ҳисобварақлари юритилади.

Иш ҳақи банк ходимларига фақат ишланган вақт учун ва белгиланган муддатларда, ойига икки марта: ойнинг биринчи ва иккинчи ярми учун тўланиши лозим.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақининг барча турлари иш ҳақи фондида киритилади.

Банк ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги низомларга мувофиқ уларга бериладиган мукофотлар, тушлик пуллари кабилар 56106 - «Банк хизматчилари учун имтиёзлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Операцион харажатлар банк фаолиятини реклама қилиш, канцелярия, офис, почта, телефон, факс хизматларидан фойдаланиш, газета, журналларга обуна бўлиш, банк учун зарур бланкаларни типографиядан чиқариш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлади Бу харажатлар ҳам йил охирида банк фойдаси ҳисобидан ёпилади.

- Презентация ва солиқлар.

- Амортизация (эскириш) харажатлари.

- Суғурта ва солиқлар.
- Эҳтимолли зарарларни баҳолаш.
- Даромад солигини баҳолаш.

Юқорида ёзиб ўтилган банкнинг операцион харажатларини барчаси йил охирида фойдадан ёпилади.

Демак, операцион харажатлар банк фаолиятининг харажатларини асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, банк харажатларининг асосий кўринишлари бўлган:

1. Фоизли харажатлар, улар фоизлар цикли ва пассивлар таркиби билан боғлиқ;
2. Кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш, иқтисодий шароитлар билан боғлиқ, ўз зиммасига олган таваккалчилик ҳамда портфел диверсификацияси бўйича харажатлар;
3. Операциялар фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ фоизсиз харажатлар салмоғининг камлиги банкларнинг фойдасини оширишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Харажатларга ликвидлилик сингари ҳар қандай устама фоиз ўзгаришлари, пассивлар таркиби ва хусусий капитал ҳажми таъсир қилади. Ўзбекистон Республикаси навбатида, банк харажатлари таркибидаги ўзгаришлар активлар даромадлигига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб қилади. Бундай ўзгаришларни сони ва ҳажми кучли рақобат шароитида ўсиб бормоқда.

2.3. Банкларнинг фойдасини баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили


Банк тизимининг таҳлили, аввало, улар балансининг таҳлилидан бошланади. Банк фаолиятини ифодаловчи энг асосий маълумотлар манбаи – бу банк баланси, даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоботи.

Тижорат банкларининг молиявий натижаси фойда ҳисобланиб, бу банк фаолиятининг барқарорлиги ва ишончлигини билдирувчи асосий натижавий кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам унинг ҳажми муҳим.

Фойдани таҳлил этишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- фойданинг динамик ўзгаришини таҳлил этиш;
- фойданинг таркиби ва тузилишига баҳо бериш;
- фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини таҳлил этиш;
- рентабеллик кўрсаткичларини баҳолаш;
- банк фойдасини ўстириш имкониятларини ҳисоблаш ва уларни йўлга қўйиш чора-тадбирларини белгилаш;

АТ “Алоқабанк”нинг даромад ва харажатларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагича соф фойда ҳажмига эришган:



2.3.1.-расм. АТ “Алоқабанк” соф фойдасининг ўсиш динамикаси³², (млрд. сўм)

³² АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2014 йилда банкнинг соф фойдаси 2010, 2011, 2012 ва 2013 йилларга караганда анча юқори ўсган. 2014 йилда соф фойда 22070000 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2014 йилни 2010 йил билан таққослаганда 215,7 %га ўсган. Фойда ҳажмининг ижобий ўзгариши банкнинг жами даромадлари ўсиши ҳисобига бўлди. Бу натижалар берилган кредитлар, депозитлар ва бошқа жалб қилинган маблағларнинг ошганлиги эвазига эришилди. Шунингдек фоизсиз харажатлар ҳажмининг ошишини ҳам инобатга олиш керак, бу банк фаолиятида менежментни ривожлантириш керак эканлигини англатади акс ҳолда бу қониқарсиз натижага олиб келиши мумкин.

Банкларинг фойдалилик даражасини ҳисоблашда бир қтор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Асосий кўрсаткичлардан рентабеллик коэффицентлари ишлатилади.

Рентабеллик – тижорат банкларининг соф сойдаси билан аниқланадиган кўрсаткич бўлиб, у соф фойданинг харажатга нисбати орқали аниқланади. Бу бир сўмлик қилинган харажат қанча фойда олиб келишини кўрсатади.

$$K_{\text{Рен.}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами харажатлар}} * 100\%$$

Бу кўрсаткич камида 20 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади. Бундан ташқари қуйидаги рентабеллилик кўрсаткичлари ҳам мавжуд:

Активлар рентабеллилиги (ROA – Ретурн он ассетс) - бир сўмлик активга тўғри келувчи фойдани англатади. Бу кўрсаткич камида 5 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади.

$$K_{\text{ROA}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами активлар суммаси}} * 100\%$$

Капитал рентабеллилиги – (ROE – Ретурн он экуитй) Бу бир сўмлик капиталга тўғри келувчи фойдани англатади. Бу кўрсаткич камида 10 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади.

$$K_{\text{ROA}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами капитал суммаси}} * 100\%$$

Бундан ташқари, тижорат банкларини аудитдан ўтказишда кредит портфелининг даромадлилиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади.

Рентабеллик кўрсаткичларининг амалдаги ҳолатини АТ “Алоқабанк” мисолида кўриб чиқамиз.

2.3.1. - жадвал

АТ “Алоқабанк” рентабеллик кўрсаткичлари³³, (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2013 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	Ўзгариши, % да
1	Жами активлар	697 102	1 009 557	144,8%
2	Жами капитал	129 311	151 454	117,1%
3	Даромад	132 337	173 409	131,0%
4	Харажат	114 567	151 339	132,1%
5	Соф фойда	17 770	22 070	124,2%
6	K _{рен.}	15,5%	14,6%	94,0%
7	K _{РОА}	2,5%	2,2%	85,8%
8	K _{РОЕ}	13,7%	14,6%	106,0%

Тижорат банклари фойдасини баҳоловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Фойда манбаларини таркибий таҳлил қилиш;
2. Молиявий коэффисентлар тизимини таҳлил қилиш.

Таркибий таҳлил банк фойдаси манбаларини аниқлаш ва банкнинг бугунги кундаги фаолиятининг барқарорлигига, келгусида ривожланиш имкониятларини баҳолаш учун зарур.

Молиявий коэффисентлар тизимини таҳлил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади.:

1. Молиявий коэффисентнинг амалдаги ҳисоб-китобини унинг нормативи билан таққослаш;

³³ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2. Банк коеффисентларининг рақобатчи банк коеффисентлари билан мос келиши;

3. Коеффисентлар динамикасини баҳолаш;

4. Коеффисентлар динамикасининг омилли таҳлили.

Банкнинг фойдалилик даражасини таъминловчи кўрсаткичларга куйидагилар киради:

- фойда ва активлар ўртасидаги нисбат;
- солиқ тўлагунга қадар фойда ва активлар нисбати;
- фойда ва хусусий капитал нисбати;
- битта ходимга тўғри келадиган фойда.

Бу кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоб усули белгиланган ҳисоб тизими ва ҳисобот шаклларига боғлиқ.

Кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ва уларнинг иқтисодий мазмуни:

Фойданинг активларга нисбати – банк рентабеллигини баҳолаш имкониятини берувчи асосий кўрсаткич.

$K_1 = \text{балансдаги фойда} / \text{баланс активининг жами}$

$$K_{1(2011)} = 28173344 / 1503992647 = 0.019$$

$$K_{1(2012)} = 46608878 / 2331762123 = 0.020$$

$K_2 = \text{балансдаги фойда} - \text{нобарқарор манбалар эвазига олинган даромад} / \text{баланс активининг жами}$

Бу коеффисентларнинг бир-биридан фарқи шундаки, банкда nobarqaror манбалар эвазига эришилган фойдалилик даражаси банк рейтингини юқорига кўтармайди.

Халқаро меъёрий ҳисоб-китобларда соф фойда аниқланади.

$K_3 = \text{соф фойда} / \text{баланс активининг жами}$

$$K_{3(2011)} = 25636047 / 1503992647 = 0.017$$

$$K_{3(2012)} = 39888097 / 2331762123 = 0.017$$

Баланс фойда ва соф фойда ўртасида фарқ бўлгани учун K_1 ва K_2 , K_3 ва K_4 лар ўзаро номуносибдир. K_3 ни K_4 га, K_1 ни K_2 га таққослаш

коэффициентлар динамикасининг моҳияти бўйича муқобил хулосалар чиқариш имконини беради.

Соф фойда асосида коэффициентларни ҳисоблашда Жаҳон банки мутахассислари томонидан тавсия этилган нормативлардан фойдаланиш мумкин.

Солиқ тўлагунга қадар фойданинг активларга нисбати

$$K_5 = \frac{\text{тўланган ва банк операцияларига қўшилган солиқ} + \text{балансдаги фойда}}{\text{баланс активининг жами}}$$

$$K_{5(2011)} = 2537297 + 28173344 / 1503992647 = 0.020$$

$$K_{5(2012)} = 6720781 + 46608878 / 2351471817 = 0.023$$

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандарти бўйича

$$K_6 = \frac{\text{соф фойда} + K_5}{\text{баланс активининг жами}}$$

$$K_{6(2011)} = 28173344 / 1503992647 = 0.019$$

$$K_{6(2012)} = 46608878 / 2331762123 = 0.020$$

Бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, шунчалик фойдани бошқариш ёмонлашади.

Фойданинг хусусий капиталга нисбати – бу коэффициент таъсисчилар, акционерлар ва пайчилар инвестицияларининг самарадорлигини кўрсатиб беради.

$$K_7 = \frac{\text{балансдаги фойда}}{\text{хусусий капиталнинг ўртача қиймати}}$$

$$K_{7(2011)} = 28173344 / 136961012 = 0.206$$

$$K_{7(2012)} = 46608878 / 167423438 = 0.278$$

$$K_8 = \frac{\text{балансдаги фойда}}{\text{устав фондининг ўртача қиймати}}$$

$$K_{8(2011)} = 28173344 / 91181433 = 0.309$$

$$K_{8(2012)} = 46608878 / 112372355 = 0.414$$

$$K_9 = \frac{\text{балансдаги фойда} - \text{нобарқарор даромад}}{\text{устав фондининг ўртача қиймати}}$$

$$K_{10} = \frac{\text{балансдаги фойда} + \text{банк маҳсулоти таннархига қўшиладиган солиқ}}{\text{устав фондининг ўртача қиймати}}$$

Жаҳон стандарти ҳисоб тизими бўйича:

$K_{11} = \text{соф фойда} / \text{хусусий капиталнинг ўртача қиймати}$

$$K_{11(2011)} = 25636047 / 136961012 = 0.187$$

$$K_{11(2012)} = 39888097 / 167423438 = 0.238$$

Норматив даражаси 10-20% гача

$K_{12} = \text{соф фойда} / \text{акционер капиталнинг ўртача қиймати}$

$$K_{12(2012)} = 39888097 / 109354608 = 0.365$$

$K_{13} = \text{соф фойда} - \text{нобарқарор даромад} / \text{хусусий капиталнинг ўртача қиймати}$

$K_{14} = \text{соф фойда} + \text{барча тўланган солиқлар(солиқ тўлагунга қадар фойдагача)} / \text{акционер капиталнинг ўртача қиймати}$

Норматив даражаси 15%

Битта ходимга тўғри келадиган фойда – фойда ва ходимларни бошқаришнинг мутаносиб олиб борилганини баҳолаш имконини беради.

$K_{15} = \text{балансдаги фойда} / \text{банк ходимларининг ўртача сони}$

$K_{16} = \text{соф фойда} / \text{банк ходимларининг ўртача сони}$

Банк фойдасининг омилли таҳлили 2 хил усулда амалга оширилади:

1. Банк рентабеллигининг асосий омиллари фойдалилик коеффициентлари суръат ва маҳражлари миқдори билан боғлиқ. Ўрнига қўйиш усули билан коеффициентлар динамикасини аниқловчи омил аниқланади. Бунда фойда ва активлар мутлақ ўзгариши аниқланади. Шундан келиб чиққан ҳолда фойда ва активлар миқдорининг ўсувчи ёки камаювчи омиллари аниқланади;

2. Банк фойдаси режасининг омилли таҳлилида фойдалилик коеффициентларини кўпайтувчиларга ажратиш амалга оширилади.

Банк фойдасини мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш мумкин. Мутлақ кўрсаткичларга операцион фаолиятдан олинadиган фойда, балансдаги фойда, ялпи фойда, солиқ тўлагунга қадар бўлган фойда ва соф фойда кўрсаткичлари киради. Операцион фаолиятдан олинган фойда операцион даромадлардан операцион харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланади. Балансдаги фойда операцион фойдадан ташқари бошқа

даромад ва харажатлар қолдиғи, штраф, пеня, олинган ва тўланган жарималарни қўшган ҳолда ҳисобга олинади. Ялпи фойда балансдаги фойдадан фарқ қилиб фақатгина жарима, пеня ва бошқалардан олинган даромадлар ҳисобга олинади. Солиқ тўлагунга қадар фойда ҳар доим ҳам ялпи фойда билан мос келавермайди, фойданинг канқайдир бир қисмига имтиёзлар берилган бўлиб, булар солиққа тортилмайди.³⁴

Банк фойдасининг мутлақ кўрсаткичлари ҳар доим ҳам банк фаолиятининг самарасини кўрсатмайди. Банк фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири - бу фойдалилик (рентабеллик) кўрсаткичлари. Ҳозирда банк фаолиятининг иқтисодий таҳлилида асосан 4 та кўрсаткич қўлланилади: фойданинг капиталга, активларга, даромадларга ва харажатларга нисбати. Ҳар бир кўрсаткич ўзининг иқтисодий маъноси ва аҳамиятига эга. Бундан ташқари банк фаолиятида қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади:

Соф фоизли маржа = (фоизли даромадлар – фоизли харажатлар) /
/ активлар;

Соф фоизсиз маржа = (фоизсиз даромадлар – фоизсиз харажатлар) /
/ активлар;

Операцион фойданинг маржаси = (операцион даромадлар –
операцион харажатлар) / активлар;

Битта аксияга тўғри келадиган соф фойда = соф фойда / муомаладаги
оддий аксияларнинг сони;

СПРЕД = (фоизли даромадлар / даромад келтирувчи активлар) -
(фоизли харажатлар/ банкнинг фоиз тўланадиган пассивлари);

Банкнинг даромад келтирувчи базаси = даромад келтирувчи
активлар / активлар

Фоизли маржа банк харажатини қоплаб, фойданинг шаклланишига
асосланган. Фоизли маржанинг ҳажми банк қўйилмаларининг юқори

³⁴ Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П. Банковское дело / учебник для вузов / СПб: “Питер”, 2010.-377 с.

даромадлилигини кўрсатади. Фоизли даромадларнинг фоизли харажатларга қараганда кўпроқ бўлиши фоизли маржа коэффисентининг етарли даражада бўлишини таъминлайди. Бу кўрсаткич шунингдек, актив операцияларнинг даромадлилиги пассив операциялар бўйича харажатларни қоплай олишини ҳам англатади. Банк фойдасининг асосий манбаи ҳамдир. Бу коэффисаент шунингдек, солиқлар, банкнинг чайқовчилик операцияларидан кўрадиган зарарлари ва банк рискларини поклаши керак. Унинг миқдори молиявий коэффисентларни аниқлашда мутлақ қийматни ифодалаш мумкин. Шунинг учун ҳам бу коэффисентнинг ошишига эриш керак. Мутахассисларнинг фикрича бу кўрсаткич банкда 4.5%дан юқори бўлиши талаб этилади. Бу кўрсаткичнинг юқори бўлиши банк фаолиятида ўз ва жалб қилинган ресурсларнинг самарали жойлаштирилганини англатади. Демак биз таҳлил қилаётган банкда бу билан боғлиқ муаммолар мавжуд экан. Бундай муаммолардан бўлиб, юқоридаги жадваллар таҳлили натижасида аниқланган банк фоизли даромадларининг фоизсиз даромадларга қараганда камлиги деб айтишимиз мумкин.

Банк фойдалилилигини аниқловчи кўрсаткичлар бир билан боғлиқ ва бу кўрсаткичлар орасидаги энг муҳимлари акционер капиталига тўғри келадиган соф фойда кўрсаткичлари ҳисобланади яъни фойданинг капиталга нисбати халқаро амалиётда РОЕ (ретурн он экуитй) деган ном олган, яна уни фойданинг капиталга нисбатан меъёри деб ҳам аташади. Бу кўрсаткич банк ўз маблағларининг самарадорлигини тавсифлайди. Бу гуруҳга фойданинг устав капиталга нисбатини ҳам қўшишимиз мумкин. Бу кўрсаткич ҳақиқий ва потенциал акционерлар учун зарур, қўйилмаларнинг самарадорлигини тавсифлайди. РОЕ нинг ўрнатилган меъёри мин = 0.10 га тенг. Кўрсаткичлар орасида қуйидаги боғланиш мавжуд:

$$РОЕ = РОА * (активлар / акционер капитали) \text{ ёки}$$

$$Соф фойда / акционер капиталига = соф фойда / активлар * активлар / акционер капиталига$$

Демак, $ROE = ((\text{даромадлар} - \text{операцион харажатлар} - \text{солиқлар}) / \text{активлар}) / (\text{активлар} / \text{акционер капитали}));$

Бу боғланиш банк фойдаси нимага боғлиқлигини ифодалайди яъни қайси ресурслар ҳисобига банк фойдаси ташкил топган: мажбуриятларми ёки банк акционер капитали эвазигами? ROE ва ROA кўрсаткичларини боғланганлиги банк фойдаси (банк фаолияти) ва хавф-хатар орасидаги кескин боғланишни ифодалайди.

Бу кўрсаткичларни янада деталлашган ҳолда таҳлил этишимиз мумкин.

$ROE = (\text{соф фойда} / \text{операцион даромадлар}) * (\text{операцион даромадлар} / \text{активлар}) * (\text{активлар} / \text{акционер капитали});$

ёки

$ROE = \text{соф фойда маржаси (CM)} * \text{активлардан фойдаланиш коэффисенти (АИ)} * \text{капитал мултипликатори (KM)};$

Бу тенгламани ҳар бир элементи банк операциялари ҳолатини ифодаловчи индикатор. Банк фойдаси маржаси банк хизматларига кўйиладиган баҳолар сиёсатини ва харажатларини бошқариш самарадорлигини кўрсатади.

Банк активларидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи коэффисент (АИ) – банк активлари портфелини бошқариш самарадорлигини кўрсатади.

Капитал мултипликатори (KM) – молиялаштириш сиёсатини ифодалайди яъни банк ресурслари маблағларини мажбуриятлар яъни акционер капиталидан фойдаланиш самарасини кўрсатади.³⁵

Демак, $ROE = CM * AI * KM$ гат энг. Ҳар бир кўрсаткичнинг камайиши банк менежерлари томонидан бу ўзгаришнинг чуқур таҳлилини талаб этади.

³⁵ Буевич, С.Ю., Королев, О.Г. Анализ финансовых результатов банковской деятельности: учебное пособие/ С.Ю. Буевич, О.Г. Королев.-М.: КНОРУС, 2008.

РОЕ банк фаолиятни ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, у ёрдамида бошқача тенглам тузишимиз мумкин. Бу тенглама банк фаолиятини тўрт соҳасидаги бошқариш ҳолатини ифодалаш таҳлил этишга имкон беради.

$$\text{РОЕ} = (\text{солиқ тўлагандан кейинги фойда} / \text{солиқ тўлагандан олдинги фойда}) * (\text{солиқ тўлагандан олдинги фойда} / \text{операцион даромадлар}) * (\text{операцион даромадлар} / \text{активлар}) * (\text{активлар} / \text{акционер капитали}) \text{ ёки}$$
$$\text{РОЕ} = \text{солиқларни бошқариш самарадорлиги} * \text{харажатларни назорат этиш самарадорлиги} * \text{активларни бошқариш самарадорлиги} * \text{ресурслани бошқариш самарадорлиги};$$

РОЕ кўрсаткичларининг ҳар бир элементида ўзгариш бўлиб, бу ўзгариш катта бўлса, у ҳолда буни сабабини аниқлаш лозим. Агар коеффициент тушса, у ҳолда банк менежерлари солиқ сиёсатини ва солиқ тўлаш бўйича назорат ҳолатини батафсил ўрганишлари лозим.

Банк фаолиятида яна бир РОА (ретурн он ассет) кўрсаткичини (активлар даромадлилик даражаси) баҳолашдир яъни бу соф фойданинг активларга нисбати. Бу кўрсаткич активларнинг қанчалик самарали ишлаётганини кўрсатади. Халқаро амалиётда РОА деган номга эга. Банк фаолиятининг натижаси кўп жиҳатдан активлар структурасига боғлиқ, айниқса даромад келтирувчи активларга. Кредит операцияларидан келадиган фойда кредит қўйилмаларнинг суммасига боғлиқ. РОА нинг ўрнатилган меъёри мин = 0.05, мах = 0.10

Бу кўрсаткич ҳам бир неча кўрсаткичларга бўлиниб ўрганилиши мумкин ва ҳар бир кўрсаткич банк фаолиятини у ёки бу томонини ифодалайди.

$$\text{РОА} = \text{соф фойда маржаси} + \text{фоизсиз маржа} - \text{махсус операциялар кўрсаткичи} = \text{соф фойда} / \text{активлар};$$
$$\text{Соф фойда маржа} = \text{фоизли даромадлар} - \text{фоизли харажатлар} / \text{активлар, активларнинг даромадлилик даражасини ифодалайди.}$$

Фоизсиз маржа = (фоизсиз даромадлар – фоизсиз харажатлар) / активлар яъни солиқ тўлшдан олдинги активлар даромадлилиқ даражасини ифодалайди.

Махсус операциялар кўрсаткичи = махсус операциялар бўйича фойда / активлар яъни жорий операциялардан фарқ қилиувчи операциялар даромадлилиқ даражасини ифодалайди.

Активлардан олинadиган фойда (POA) = соф фойда / активлар яъни ҳамма харажатлардан акционерлар ихтиёрига келиб тушадиган фойда даражасини ифодалайди. Фойданинг даромадга нисбати даромаднинг қанча қисми соф фойдани ташкил этганлигини кўрсатади, ўрнатилган меъёр даражаси мин = 0.20 га тенг.³⁶

- Банк капиталининг ҳажми;
- Актив ва пассивларнинг таркиби;
- Кредит ва депозитларнинг фоиз ставкалари;
- Воситачилиқ ва коммиссион хизматлар таърифлари;
- Банк даромад ва харажатлар таркиби.

Юқорида айтиб ўтилган барча фойдалилик кўрсаткичларини комплекс жиҳатдан қайта муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойданинг иқтисодий восита сифатида ундан фойдаланиш ва тақсимлаш механизми муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банкларини самарали иш юритишлари учун унинг давлат ва банк ўртасидаги тақсимотини, банк ичидаги жамғарма ва истеъмолни тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Фойдани давлат ва банк ўртасидаги тақсимоти хўжалиқ субъекти сифатида тижорат банкларининг ўрнатилган солиққа тортиш қонун-қоидалари асосида амалга оширилади. Шу масалаларни инобатга олган ҳолда, умумий режада фойдани тақсимлаш муаммоларини шарли равишда 2 гуруҳга бўламиз:

1-гуруҳ: фойдани мамлакат миқёсида бирламчи тақсимлаш;

³⁶ Буевич, С.Ю., Королев, О.Г. Анализ финансовых результатов банковской деятельности: учебное пособие/ С.Ю. Буевич, О.Г. Королев.-М.: КНОРУС, 2008.

2-гуруҳ: фойдани хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида иккиламчи тақсимлаш.

Икки гуруҳга ажратганимизнинг биринчисида давлат билан тижорат банклари ўртасида вужудга келадиган масалалар бўлиб, улар тижорат банклари фойдасини солиққа тортиш билан боғлиқ ва улар бирламчи тақсимотни ўз ичига олиши керак. Шу шартли равишда ташкил топган иккинчи гуруҳга эса тижорат банкларининг ихтиёрида қоладиган ва акционерлар умумий йиғилишининг қарорига кўра фойдаланиладиган фойдаси иккиламчи тақсимлаш билан боғлиқ бўлган масалалар ўз аксини топади.

Яратилган фойданинг давлат ва тижорат банклари ўртасида оқилона (оптимал) тақсимланиши тижорат банкларининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бозор муносабатлари системасида тижорат банкларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши улар фойдасини солиққа тортиш тизимига ҳам боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ихтиёрида қоладиган фойдани тақсимлаш ҳар бир тижорат банкига тегишли бўлган унинг ички масаласидир.

Банклараро рақобатнинг ривожланиши фойданинг мақсадли йўналтирилишини таъминлайди, банк маҳсулотларини кенгайтириш, такомиллаштириш зарурлигини билдиради, меҳнат коллективининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиради.

Тижорат банклари фойдасини тақсимлаш Марказий банк томонидан тасдиқланган 2-шаклга асосан, яъни “Фойда ва зарарлар” ҳисоботига асосан амалга оширилади.


Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида фойданинг тақсимои қуйидаги йўналишлар асосида амалга оширилади:

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;
- Дивиденд тўловларини тўлаш;
- Турли фондларни шакллантириш;

- Умумий захираларни шакллантириш;
- Капиталлашувни ошириш;
- Ходимларга 13 ва 14 – мукофотларни бериш.

Банкларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишлари биринчи даражали аҳамият касб этади яъни солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашлари талаб этилади. Агар банк солиқ қонунчилигига риоя қилмаса, жарима тўловларини соф фойда ҳисобидан тўлашади.

Қуйидаги 2.3.2.-расм орқали амалиётда банк фойдасининг тақсимотини яққол кўриш имкониятига эга бўламиз:



2.3.2. - расм. Банк фойдасини тақсимлаш тартиби.³⁷ (фоизда)

Юқоридаги маълумотлар натижасида кўришиб турибдики, банк фойдасининг кўпроқ қисми яъни 40%и дивиденд тўловларига тақсимланган. Банк фойдасининг 20% и заҳира фондларига йўналтирилган. Заҳира фонди банк зарарларини қоплашнинг манбаси ҳисобланади. Тижорат банкларининг соф фойдаси иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун истеъмол ва жамғарма фонди каби турли фондларга йўналтириши мумкин. 6 - расмда банк фойдасининг 25%и жамғарма фондга, 15%и истеъмол фондига йўналтирилган. Ҳозирги кунда ўз

³⁷ <http://www.bpk.uz> (Ўзбекистон Республикаси Бозор, пул ва кредит журнали сайти).

маблағларини ўстириш муаммоси тижорат банкларининг олдида турган муҳим масалалардан бири бўлганлиги учун улар фойданинг кўпроқ қисмини капиталлашувга йўналтиришга ҳаракат қиладилар.

2-боб бўйича хулоса Хулоса қилиб айтганда банк даромадлари таркиби банк томонидан амалга оширилаётган операцияларга боғлиқ бўлади. Банк фоизли даромадлари ичида кредит операцияларидан олинган даромадлар салмоғи кўп, фоизсиз даромад таркибида комиссия ҳақ улуши бошқа даромад турларига нисбатан анча салмоққа эга.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётда бозор муносабатлари шаклланиб ва секин-аста ривожланиб бораётган бир пайтда тақсимлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки иқтисодиёт тармоқлари ҳар бирининг ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, ана шу масаланинг қай даражада ҳал этилганлигига бевосита боғлиқдир. Бу тижорат банклари фаолиятига ҳам бевосита тегишлидир. Шунинг учун ҳам тижорат банклари доирасида фойданинг шаклланиши ва ундан фойдаланиш жараёнларини таҳлил этаётган бир вақтимизда мантиққа риоя қилган ҳолда тижорат банклари ёрдамида реализация қилинган миллий даромад бир қисмининг тақсимланиши муаммосига дуч келамиз ва ўзимизнинг имкониятимиз даражасида ҳал қилишимиз керак.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганларидан кейин фойда ҳисобидан банк акционерларига дивидендлар тўланади. Дивидендлар – аксиядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра акционерлар ўртасида тақсимланадиган фойданинг бир қисмидир. Соф фойда ҳисобидан дивидендларга тўланадиган фойданинг ҳажми банк бошқарувида катта аҳамиятга эга. Унинг юқори даражаси хусусий капитални кўпайтириш ва банкнинг келгусидаги юксалиш салоҳиятини ошириш имкониятини камайтиради. Дивидендлар миқдорининг кўп бўлиши маблағлар ҳажмини, захиралар ташкил этиш имкониятини чегаралайди, аксиянинг номинал нархини пасайтиради.

III-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар


2014 йилда банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва Қарорларида белгилаб берилган банк тизими барқарорлигини янада кучайтириш, банк даромадларини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларига қаратилди, хусусан:

- тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш;
- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш тадбирларини кенгайтириш;
- банкларнинг инвестицион фаоллигини, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялашдаги ролини ошириш, банкрот ҳолатидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклашдаги иштирокинни янада кучайтириш;
- аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш борасидаги вазифалар ижроси таъминланди.

Шунингдек, банк муассасалари тармоғини кенгайтириш, мижозларга банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш ва уларнинг замонавий турларини жорий этиш, кредит ахбороти тизимини такомиллаштириш ва нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Банк тизими фаолиятининг ўтган йилги кўрсаткичлари нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб беради, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори даражаларга эришилди.

Хусусан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этиб, у халқаро банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан 3 баробар юқори бўлди. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкларнинг умумий капитали 6 трлн. сўмдан ошиб кетди (3.1.1.-расм)




3.1.1.-расм. Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси³⁸, (трлн. сўм)

Тижорат банклари фаолияти натижасига таъсир этувчи омилларнинг кўп қирралилиги уларни кўп мақсадли ва функцияли иқтисодий тизим сифатида қарашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам банк фаолияти натижасини иқтисодий кўрсаткичлар тизими ёрдамида тавсифлаш лозим. Молиявий кўрсаткичлар тизими сифатида ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият натижасини ҳар томонлама комплекс баҳо берувчи ва содир бўладиган иқтисодий жараёнларини ҳаққоний акс эттирувчи кўрсаткичларни тушуниш керак.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда етакчи банклардан бирига айланиб бораётган АТ “Алоқабанк”нинг умумий

³⁸ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

капитали 151,5 млрд.. сўмдан ошиб кетди. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан қарийиб 3 баробарга кўп демакдир (3.1.2.-расм).




3.1.2.-расм. АТ “Алоқабанк” хусусий капиталининг ўсиш динамикаси³⁹, (млрд. сўм)

Юқорида тижорат банклари даромадалри ва харажатлари шаклланиши, туркумланиши, уларнинг турларини бирма-бир куриб чиқдик, энди банк даромадларини ошириш ва харажатларни оптималлаштириш йулларини кўриш учун уларнинг хар бир турлари бўйича алохида ёндашиш лозим. Тижорат банкларининг фоизли даромадлари орасида кредитлар бўйича фоизли даромадлари катта урин эгаллайди. Бу даромад турлари бўйича ҳам муаммолар етарлича. Бунга аввало банкларнинг узидан келиб чиқадиган муаммоларни айтиш мумкин. Яъни тижорат банклари маблағларни жойлаштиришда тугри йулни танлаши лозим. Ажратилган кредитларнинг кайтишини таъминлаш керак. Бунда кредитларни уз вақтида ва доимий равишда мониторингни амалга ошириб бориш зарур. Акс холда кредитларнинг кайтмаслиги каби банклар учун одатий бўлган салбий ҳолат юзага келади. Бу эса банклар учун ҳам

³⁹ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

даромад камайишига ҳам харажатлар ортишига олиб келади. Яъни банклар учун кредитлардан кутилган даромад келмайди ҳамда шу кайтмаган кредитлар бўйича захиралар ажратиши керак бўлиб, харажатлар уз-уздан ортади. Кредитлар ажратиш бўйича яна бир тусиклардан бу мажбурий захирага маблаглар утказишидир. Банклар мажбурий захирага маблаглар ажратиши натижасида тижорат банкларининг кредит потенциали камаяди. Бу билан кушимча ресурс олишга мажбур булишади. Бу эса депозитлар, ресурслар бўйича яна кушимча харажат демакдир. Тижорат банклари учун мажбурий захира ставкасини камайитириш керак деб ҳисоблаймиз.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган операцияларини ривожлантириш йўлидаги муаммолардан яна бири республикаимиз банк амалиётида хорижий валюталарда эмиссия қилинган тижорат векселлари билан боғлиқ фонд операцияларининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.




3.1.3.-расм. Тижорат банклари кредит портфели (млрд. сўм)⁴⁰

Охирги 5 йил (2010-2014йй.) давомида банк тизими кредит портфели 3 мартага ўсди.

Бу кўрсаткич АТ “Алоқабанк” 2010-2014 йиллар давомида 4,3 баробарга ўсган.

⁴⁰ Ўзбекистон республикаси Марказий банки маълумотлари.



3.1.4.-расм. АТ “Алоқабанк” кредит портфелининг ўсиш динамикаси⁴¹, (трлн. сўм)

Республикамиз тижорат банкларининг тижорат қимматли қоғозлари билан амалга оширадиган операцияларининг ривожланмаганлиги.

Маълумотлар таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, республикамизда ривожланган хорижий давлатлар амалиётидан фарқли уларок, фонд бозорларида кенг котировка қилинадиган бир катор юқори ликвидли ва юқори даромадли қимматли қоғозлар мавжуд эмас. Бундай қимматли қоғозларга, хорижий валюталарда эмиссия қилинган ҳукуматнинг ўрта ва узоқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларини, тўлови ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив облигацияларни, тижорат банкларининг депозит сертификатларини, ҳосила инструментларини, субординациялашган қарз мажбуриятларини киритиш мумкин.

Тижорат банклари даромадлилигини яъни фойдасини оширишда бир қанча муаммолар мавжуд ва қуйида биз шу муаммоларни кўриб чиқамиз:

➤ Валюта бозорида ва қимматбаҳо қоғозлар операцияларидан келадиган даромадлар улушининг етарли эмаслиги ва мамлакатимиз банк

⁴¹ АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тизимидаги айрим банклар ўз даромадларини шакллантиришнинг бу йўлига ҳанузгача эътибор бермасдан келмоқда;

➤ Ёрдамчи фаолиятдан олинган янги даромад турларининг ривожланмаганлиги – турли хилдаги товар ва фондлар биржаларини таъсис этиш, инвестицион ва суғурта компанияларини вужудга келтириш жараёнида иштирок этиш;

➤ Мижозларга кўрсатадиган турли пулли хизматлар ҳажмининг камлиги – мижозга қанчалик сифатли ва ҳар томонлама турли хизмат кўрсатилса, банкнинг даромади шу фаолият тури бўйича шунча юқори бўлади;

➤ Тижорат банкларида харажатлар турлари ва ҳажмининг ошиб бораётганлиги – тижорат банкларида охириги йилларда операцион харажатлар ва фоизли харажатларнинг ҳажми ошиб бориши бу банкнинг фойдасини камайишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади.

Халқаро банк амалиётида тижорат векселлари дебитор-кредитор қарздорликни қисқартиришнинг, товарларни сотилиш жараёнини тезлаштиришнинг, корхоналарнинг қўшимча пул маблағларига бўлган эҳтиёжини кондиришнинг ва тижорат банкларига юқори даромад келтиришнинг синалган ва муҳим инструменти ҳисобланади.

Афсуски, республикамизнинг хўжалик амалиётида тижорат векселларининг муомаласи мавжуд эмас. Бу эса, тижорат банкларига векселлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш имконини бермайди.

3.2. Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари

Хукуматнинг хорижий валюталарда эмиссия қилинган қисқа муддатли облигацияларини сотиш хорижий валютадаги қисқа муддатли ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Бу эса, хорижий валютадаги айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни кондириш имконини беради ва ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Республикамизнинг йирик тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг ривожланмаганлиги уларнинг фоизли даромаларининг ҳажмини оширишга салбий таъсир қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг молиявий барқарорлигини талаб даражасида таъминлаш имконини бермайди.

Холбуки, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар шаклидаги активлари уларнинг жами активлари ҳажмида сезиларли даражада юқори салмоқни ташкил этади.

Мамлакатимиз тижорат банкларида факторинг ва форфейтинг операцияларини ривожланмаганлиги. Банкларда даромадларнинг ошишига салбий таъсир этади. Факторинг операциялари ҳисобига тижорат банклари дисконт сифатида даромад олиш билан бирга уз миждозларининг фаолияти давомийлиги ривожланади, оқибатда банкларда маблағлар жойлашиши осон ва ижобий ҳал этилади.

Форфейтинг операциялари товарларни сотилишини тезлаштиради, банкларга юқори даромад келтиради.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш тижорат банклари даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур.

Бунинг учун, аввало, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларининг ҳажмини кескин ошириш лозим. Тижорат банкларида қимматли қоғозларнинг эмитентларининг молиявий ва мулкӣ ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинадиган даромадларни оқилона даражасини таъминлаш имконини беради.

Фоизли даромадларнинг ҳажмини оширишнинг иккинчи йўли банкларнинг лизинг ва факторинг операцияларини ривожлантириш ҳисобланади. Бунинг учун, аввало, лизинг бозори бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш талаб этилади. Бунинг асосида тижорат банклари учун лизинг операцияларини ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш лозим.

Тижорат банкларининг лизинг операциялари уларга барқарор даромад келтиради. Чунки лизинг тўлови қатъий белгиланган фоиз шаклида бўлади.

Тижорат банкларини кредитларидан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида:

- кредитларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим;
- банкларнинг пасивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига ва мудатли ва жамғарма депозитларининг салмоғини ошириш лозим;
- кредитлашнинг турли шаклидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир кредитлаш шакли унга бўлган объектив эҳтиёж натижасида юзага келади ва уларнинг риск даражасига қараб банкнинг фоиз ставкаси белгиланади.

– тижорат банкларида миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Форфейтинг операциялари халқаро банк амалиётида кенг тарқалган ва тижорат банкларига юқори даромад келтирувчи операция ҳисобланади. Форфейтинг французча «э форфэ» деган сўздан олинган бўлиб, «улгуржи» деган манони англатади Форфейтинг оперциясининг мазмунини қисқача қилиб қуйдаги тарзда ифодалаш мумкин: форфейтинг-бу тижорат банки томонидан векселларнинг регресс ҳуқуқисиз ҳисобга олишдир.

Ҳозирги вақтда, республикада банкларнинг форфейтинг операцияларидан ташқари савдони молиялаштириш жараёнида кенг қўламда фойдаланиш мумкин. Бунда республикада тижорат банклари икки хил ҳолатда иштирок этишлари мумкин.

– ўзлари хорижий валютада ёзилган векселларни ҳисобга олувчи сифатида;

– хорижий валютада ёзилган векселларни акцептловчи сифатида.

Мамлакатимизда хорижий валюталар такчиллиги маълум даражада сезилаётган ҳозирги шароитда республикада тижорат банклари томонидан имзоланган векселларни акцептлаш йўли билан амалга оширадиган форфейтинг операциялари муҳим аҳамият касб этади.

Форфейтинг операцияларида экспортёрнинг банки дисконт шаклида даромад олади, импортёрнинг банки эса акцепт учун даромад олади. Форфейтинг операциялари бир томондан, товарларни сотилишини тезлаштиради, иккинчи томондан эса, импортёрларга тегишли валюта маблағларини маълум вақт уларнинг хўжалик оборотидан чиқиб кетишининг олдини олади.

Бунинг учун, банкнинг активларида даромад келтирувчи ва юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қоғозлар салмоғини ошириб борилиши ва қарз мажбуриятларини ўзига жалб қилган ҳолда пассивлари шакллантирилса, банк фаолиятида ликвидлилик, даромадлилик ва

рисклилик ўртасидаги энг оптимал нисбатни сақлаб туриш имкониятини беради.

Тижорат банклари фаолиятининг турли жихатларига кизиқиш жаҳон миқёсида доимо ошиб бормокда. Республикамиз тижорат банкларининг молиявий ресурсларини шакллантириши ва улардан нечоғли унумли фойдалана олиши ҳам мутахассислар диққат марказида турибди.

Банк активларининг сифатини аниқлаш учун биринчи навбатда, уларнинг ликвидлилиги, даромадлилиги ва риск даражасини урганиш лозим.

Тижорат банкларининг хусусиятли томонларидан бири шуки, банклар ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар ҳисобига ўз фаолиятларини ташкил қиладилар. Шундай экан, тижорат банкларининг ресурсларини оптимал даражада ушлаб туриш учун банкларнинг жалб қилинган маблағлари устидан доимий назорат қилиб бориш лозим. Бунда, қуйидагиларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиб бориш керак:

- Депозитлар барқарорлигини таъминловчи стратегияни аниқлаш. Бундай стратегиянинг бир қисми бўлиб, мижозларга депозитлар сифатини оширувчи маркетинг ҳисобланади. Яъни, мамлакат иқтисодиётида инқироз юз берган даврларда ҳам мижозлар банкга бўлган юксак ишончи йўқолмаслиги тадқиқ қилинади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, жамғарма депозитлар муддати ошиши депозитлар қолдиғининг тебранишини камайтиради;

- Тижорат банклари жалб қилинган ресурслари таркибида нафақат депозитлар барқарорлигини, балки депозит манбасини ҳам кузатиш керак;

- Кредит ресурслари ҳисобини мувофиқлаштириш ва ссуда рақамлари мониторингини олиб бориш;

- Бошқа кредит муассасаларидан олинadиган депозитларнинг барқарорлигини баҳолаш;

- Банк ўз пассивларни қайта гуруҳлаш орқали муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғини талаб қилиб олингунча бўлган депозитларнинг салмоғига тенглаштириш;

Тижорат банклари даромадларини куриб утдик, энди банк харажатларини оптималлаштиришни караб чиқамиз. Банк харажатлари фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларга ажратилар экан, ҳар бири бўйича алохида-алохида куриб чиқамиз. Фоизли харажатлар таркибида депозитлар, ресурслар учун тўланадиган фоизлар катта салмокни эгаллайди. Банклар уз актив операцияларини амалга ошириш учун имкон қадар арзон ва барқарор депозитлар жалб қилишга ҳаракат қилишади. Ҳозирги кунда банкларда депозитлар бўйича фоизлар йиллик 24-28 % ни ташкил этади, аммо ажратиладиган кредитлар бўйича йиллик фоиз ставкаси 20-22 % га тенг, бу ҳол банклар учун салбий ҳолат ҳисобланади. Ҳозирги шароитда аҳоли омонатларини банкларга кўпроқ жалб қилиш борасида омонатлар учун тўланаётган йиллик фоиз ставкалари баландлигича қолмоқда. Банк тизими ривожланган давлатларда депозитларнинг йиллик фоиз ставкалари улар берган кредитлар фоиз ставкаларидан пастроқ бўлади.

Аксарият тижорат банкларида фоизсиз харажатлари ичида инкассация хизмати учун харажатлар катта улушга эга. Инкассация хизмати харажатлари миллий ва чет эл валютаси ташиш хизматлари учун тўланиши мумкин. Тижорат банклари савдо нуқталаридан йигиб келтирилган нақд валюталар учун инкассация харажатларини тўлаб беришади, лекин уз миқдорларига бу маблағларни беришда ҳеч қандай хизмат ҳақи олишмайди, зеро банк ходимларининг бир қисми бу маблағларни қайта санаш, тайёрлаш билан банд бўлишади. Бу ҳам банклар учун катта харажат ҳисобланади.

Банклар учун операцион харажатлар ҳар доим катта харажатлар ҳисобланиб келган. Бунга банклар уз ходимлари учун қилинган харажатлар, бино таъминоти учун қилинган харажатлар, маъмурий

харажатлар, эскириш, солиқ ва суғурта харажатлари киради, бу харажат турлари орасида ходимлар учун харажатлар катта улушни эгаллайди, аммо бу харажат турларини қисқартириш яхши натижа бермайди, тугри, банклар бу харажат турини ҳам караб чиқиши керак, яъни ҳар бир ходим ишларига караб шунга яраша ҳақ тўлаши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу харажатлар орасида яна турли солиқлар бўйича харажатлар банклар учун сезиларли ҳисобланади. Ҳамда жарима ва пенялар бўйича ҳам алоҳида харажат тури мавжудки, бу харажат тури кўп банкларда банк ходимлари айби билан бўлади, булар марказий банк нормативларини бажармаганлик учун бўлиши мумкин, мижозлар тўловларини уз вақтида ўтказмасликдан, уз вақтида нақд пул билан таъминламаслик, уз вақтида кредитлар ажратмасликдан бўлиши мумкин бўлган харажатлар. Бу харажат турларини келиб чиқишига умуман йул қуймаслик керак ва бунга барча ходимлар узини маъсулиятли деб сезиши зарур.

Курилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш бўйича харажатлар ҳар бир тижорат банклари учун доимий муаммолардан бўлиб келмокда. Бу харажатлар банклар учун ҳам даромадларнинг камайтишига ҳам харажатларнинг ортишига олиб келади. Бу харажатларни камайтириш учун банклар аввало кредитлар ажратишда мижозларни тубдан ўрганиб, уларнинг кредит тарихини яхшилаб ўрганиб, гаров таъминотини талаб даражада расмийлаштирилишига эътибор қаратиши лозим. Ажратилаг кредитлар бўйича ва гаров таъминотлари бўйича мунтазам мониторинг ишларини амалга ошириб боришлари зарур.

3-боб бўйича хулоса. Банкларнинг даромадлилигини ошириш, активлар усишини рағбатлантириш, капиталларини кўпайтириш, ликвидлилигини таъминлаш, харажатларини оптималлаштириш, мамлакатда инфляция даражасини барқарорлаштириш каби муҳим масалалар бўйича кредит ресурсларининг таваккалчилик ҳамда даромадлилик даражаси, ссудалар қайтимининг таъминот турига қараб жойлаштиришни бошқаришда ҳар бир гуруҳ кредитларни банкнинг

умумий кредит қўйилмаларидаги салмоғи ҳамда кредит сиёсатига мувофиқ равишда ўзгариши аниқлаши муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида 2008-2014 йилларда фаолият олиб борган тижорат банклари ҳар йили соф фойда билан якунлаган, уларнинг ҳеч бири зарар билан фаолиятларини якунламаган. Банк тизими 2014 йилда 657,8 млрд. сум фойда олиб 2013 йилга нисбатан 137,7 млрд. сумга кўпдир. Ҳар бир йил давомида банкнинг ўртача тортилган фойдаси 2014 йилда 26,3 млрд. сумни ташкил қилиб 2013 йилга нисбатан 5,5 млрд. сумга ошган. Банк тизими фойдаси йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган

Ресурс базасида активларни умумлаштириш услубидан фойдаланиш ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади ҳамда ушбу ҳолат активларга қўйилган ҳар бир ресурсдан фойдаланиш самарадорлигини кузатиб бориш имконини бермайди.

Ушбу ҳолат ўз навбатида, банк активлари паст даромадлилигининг сабабларидан биридир. Чунки банк ресурсларини жойлаштириш баҳоси уларни жалб этиш баҳоси билан боғлиқ омас. Амалиётда, ресурслар банк харажатларига аниқ бир ҳажм сифатида қўшиладиган маълум бир фоизлар устидан жалб этилади. Уларни жойлаштириш эса аниқ ресурснинг жалб отилиш баҳосини ҳисобга олмаган ҳолда, ўртача статистик фоиз асосида амалга оширилади.

Шу сабабли, ишнинг ушбу ҳолатда жалб этилган (сотиб олинган) аниқ бир ресурснинг даромадлилигини амалда аниқлаб бўлмайди ва бундан ташқари, мазкур ресурснинг рентабеллигини ҳам режалаштириб бўлмайди.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтдан бошлаб банк тизимида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йуналишларидан бирига айланди. Айни пайтда тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинаётган фойдани максималлаштиришдан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришиш банк активлари даромадлилигини барқарор тарзда ошириб бориш билан бирга харажатларни оптималлаштиришни тақозо қилади. Мазкур жараёнда банк активлари даромадлилигини оширишнинг сифат жихатига эътибор қаратиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Бунга эришиш учун эса, ҳар бир тижорат банк ўзининг молиявий ресурсларини тўғри бошқара олиши муҳим аҳамият касб этади.

Банк ишининг самарадорлиги ва унипг барқарорлиги сармоя миқдорида бениҳоя боғлиқдир. Банкларнинг ўз сармояси банк соҳасида барқарорликни сақлаш учун зарур даражада бўлишини таъминлашга ҳам имкон беради.

Таҳлил натижалари орқали биз таҳлил қилаётган республикамиз тижорат банклари даромадларининг ўсиши кузатилган, бу банк учун ижобий натижалардир. Лекин даромадлар таркибида фоизсиз даромадлар ҳажмининг фоизли даромадлар ҳажмига қараганда кўпроқ бўлиши ёки кескин равишда ошиб бориши, харажатлар таркибида эса операция харажатларининг бошқа харажатлар таркибига қараганда энг кўп улушни ташкил қилиши, оқибатда банк фойдаси ҳажмига таъсир қилиб, унинг камайиб боришига олиб келади. Бугунги кунда банклар олдингиданда кўпроқ маълумотлар базасининг бойлигига, шунингдек техник имкониятларнинг ҳам кенг кўламига эга. Фақатгина шу маълумотлар базасидан тўғри ва оқилона фойдалана олишни билиш керак.

Таҳлил натижаларида операцион харажатларнинг ўсганлиги кузатилса, банк ресурслар жалб қиладиган бозорнинг ноқулайлигидан ёки

банкдаги менежмент фаолиятининг ёмонлашганлигидан даололат беради. Лекин бу харажатларнинг таркибида асосий эътибор - банк вазифаларини таъминловчи маъмурий-хўжалик билан боғлиқ харажатларга ҳам қаратилади. Бу харажатлар банк даромадларининг 60%идан ошмаслиги керак. Агар банкнинг бошқарув сиёсати самарали бўлса, бу кўрсаткич тахминан 55% гача пасаяди. Лекин натижанинг 50% дан пасайиб кетиши хавфли, чунки бу харажатларнинг кўп қисмини банк ходимларига тўланадиган меҳнат ҳақи ташкил этади. Фоизли ва фоизсиз харажатларини таҳли қилиш давомида бу кўринишдаги даромадлар харажатларни қоплай олишини аниқлаш керак.

Тадқиқот ишимизга қисқача хулоса қиладиган бўлсак, банк даромадлари фоизли даромадлар ва фоизсиз даромадларга бўлинади. Фоизли даромадлар таркибига ЎЗР МБдаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар , бошқа банклардаги ҳисобварақлар, олди-сотди қимматли қогозлар бўйича фоизли даромадлар, сотиб олинган векселлар бўйича фоизли даромадлар, берилган қисқа муддатли кредитлар, берилган узоқ муддатли кредитлар, лизинглар бўйича фоизли даромадлар ҳамда бошқа фоизли даромадларни киритишимиз мумкин. Фоизсиз даромадларга эса асосан воситачилик хизматлари ва банк томонидан миқдорларга бир марталик курсатиладиган хизматлардан келадиган даромадларни киритишимиз мумкин. Бунга хорижий валюталардан оладиган даромадлари, инвестициядан оладиган даромадлари ва дивидендларни ва бошқа фоизсиз даромадларни мисол қилишимиз мумкин.

Олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Банк харажатлари банк фаолиятининг ўзига хослигидан ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бир канча турлари мавжуд. Биз уларни фоизли, фоизли ва операцион харажатларга бўлган ҳолда тадқиқ қилдик. Фоизли харажатлар камайтириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб, ўз

ичига асосан депозитларнинг фоизларни олади.

2. Банкнинг оладиган даромади, унинг харажатларини қоплаши ва фойда яратиши керак. Банк даромадининг бир қисми потенциал рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган захирага йуналтирилади. Банк ўз харажатларини қоплаши учун даромад хажмининг етарлилигини таъминлаши эмас, балки тушумининг бир хилдалигини таъминлаши керак. Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг харажат қиладиган даврига мос ҳолда вақт жихатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

3. Банк даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишончлилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик тамойиллари билан бирга «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги», «аҳамиятлилиқ» тамойилларидан фойдаланса мақсадга мувофиқ.

4. Ўзбекистон Республикасида 2008-2014 йилларда фаолият олиб борган тижорат банклари ҳар йили соф фойда билан якунлаган, уларнинг ҳеч бири зарар билан фаолиятларини якунламаган. Банк тизими 2014 йилда 657,8 млрд. сум фойда олиб 2013 йилга нисбатан 137,7 млрд. сумга кўпдир. Ҳар бир йил давомида банкнинг ўртача тортилган фойдаси 2014 йилда 26,3 млрд. сумни ташкил қилиб 2013 йилга нисбатан 5,5 млрд. сумга ошган. Банк тизими фойдаси йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Аксарият банкларда фоизли даромадлар фоизсиз даромадларга нисбатан салмоғи каттароқдир. Бу ҳолат халқаро амалиётда ҳам худди шундай.

Тижорат банклари харажатларини йирик уч гуруҳга бўлишимиз мумкин, булар фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар ва операцион харажатлардир.

Фоизли харажатлар таркибига талаб қилиб олгунча, жамгарма ва муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар, ЎзР МБ ва бошқа банклар ҳисобварақлари бўйича, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича, чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича, РЕПО битимлари бўйича ҳамда бошқа фоизли харажатларни киритиб утиш мумкин. Фоизсиз харажатларга эса турли хизмат ва воситачилик харажатлари, хорижий валюталардан қурилган зарарлар, инвестициялардан қурилган зарарлар ва бошқа фоизсиз харажатлар киради.

Тижорат банкларининг операцион харажатлари банкларда алохида эътиборга олинади. Операцион харажатларга банк хизматчиларининг иш ҳақлари, ижара ва таъминот, хизмат сафарлари, маъмурий харажатлар, эскириш, суғурта ва солиқ ҳамда бошқа операцион харажатларни киритамиз.

Юқоридаги боблардаги таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, аксарият банкларда фоизли даромадлар жами даромадлардаги салмоғи катта, аммо таҳлил қилган банкларимиздан бири АТ «Алокабанк»да фоизли даромадлар кўпроқдир, 2014 йил якуни бўйича фаолиятини утган йилга нисбатан кўпроқ фойда билан тугатган, бунга сабаб кредитлар ҳажмининг юқорилигидир.

Банклардаги харажатлар таркибини урганишимиз бўйича банкларда операцион ва фоизли харажатлар жами харажатлардаги улуғи деярли тенг, операцион харажатлар сал юқорироклиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ҳар бир тижорат банки фаолият курсатишидан мақсади фойда олиш ҳисобланади, шунинг учун банклар даромадларини кўпайтириш билан бирга харажатларини оптималлаштиришга ҳаракат қилишади. Бунда албатта ўз фаолиятининг барқарорлигига ҳам алохида эътибор қаратишади.

Ҳозирги нобарқарор иқтисодий шароитимиз даврида олиб борилган илмий изланиш натижасида қуйидаги таклифларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб уйлайман:

1. Оператцион харажатларнинг салмоғини камайтириш ва даромад олишнинг янги усуллари тadbиқ қилиш
2. Активларга жойлаштира олиш имкониятига қараб ресурсларни жалб қилиш лозим. Бу таклифни беришдан асосий мақсад шулки, айрим банклар ресурсларни кўп миқдорда ва юқори фоиз ставкада жалб қилиши натижасида ресурсларни активларга жойлаштириб улгурмайдилар. Бунинг натижасида банк анча зарар кўриш эҳтимолидан холи бўлмайди.
3. Банкларнинг даромад олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида мажбурий захира талабларини камайтириш. Мажбурий захира талабларининг камайтирилиши банкларнинг ўзларида кўпроқ ресурс қолишига ва даромад келтирувчи активларга жойлаштириш имкониятини беради.
4. Инкассация хизмати харажатларини оптималлаштириш. Яъни тижорат банклари инкассация хизмати учун воситачилик хизмати тўлашади, аммо нақд пул маблағлари билан миқдорларнинг талабини кондиринишда ҳеч қандай хизмат ҳақи олинмайди.
5. Факторинг ва форфейтинг операцияларини ривожлантириш билан банклар уз даромадларини ошириши таъминланади.
6. Олди-сотди қимматли қоғозлар билан операцияларни ривожлантириш керак. Бу билан тижорат банклари ҳам даромадлари кўпайиши билан бирга ликвидлилигини ҳам ошириш имконияти кўпаяди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 йил 21 декабр.
2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 25 апрел.
3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1996 йил 30 август.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 апрелдаги ПФ-2564-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56 сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йуналтириладиган ўзок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислох қилишга дойр қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306-сонли Низом, 2004 йил 30 январ.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773-17-сон 2004 йил 13 август.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834-сон йуриқнома 2008 йил 11 июль.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648-сонли низом 2006 йил 27 декабр.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648-сонли низом 2006 йил 27 декабр.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

13. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза-Тошкент: Ўзбекистон, 2015.
14. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йулида.-Т. 16. -Т.: Ўзбекистон, 2008.- 368 б.
15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2009. - 56 б.
16. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Т.:

Ўзбекистон, 2009. - 24 б.

17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох қилиш. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.
18. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т., Ўзбекистон, 1997. 5 том.
19. Ўзбекистон Республикаси Президента Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси: 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босхицга кутарадиган йил бўлади. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2015. 3-сон. 1- б.

IV. Асосий адабиётлар

19. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2010. -224 б.
20. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2003.-305 б.
21. Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие 3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000
22. А.Омонов, Т.Каралиев – «Банкларда бухгалтерия ҳисоби». Дарслик, Тошкент «Иқтисод-молия» 2014й. Иловалар, 222 б.
23. К.Наврузова – Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма.–Тошкент «Иқтисод-молия», 2010. 188 б.,
24. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: Ф и С, 2004. - 153 с.
25. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: — учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, -М.: Высшее образование, 2009. -422 с.
26. Банковское дело: Учебник / под ред. В.И. Колесникова, П.П.

- Кроливедской. 4-е издание - М.: Финансы и статистика, 1998. -464 с
27. Банковское дело: Учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. Коробовой. Г.Г. - М.: Экономист, 2005. - 751 с.
 28. Банковское дело: Учебник, перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2008. - 768 с.
 29. Бенжамин Ёунг «Банк Сост Сонтрол» Бусинесс & эсономисс, УК. 2008, - 306 п.
 30. Жарковская Е.П. Банковское дело.-4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2005.-452 с.
 31. Камышанов П.И., Камышанов А.П. Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ. - 5-е издание. - М.: Омега-Л, 2006. - 96 с.
 32. Козлова Е.П., Фаланина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. -М.: Финансы и статистика, 2000. -640 с.
 33. Мабел Лаге Е.Е. «Ассоунтинг-Ванк Ресонсилиатион» Хендерсон, УСА. 2008, -241 п.
 34. Муллажонов Ф.М. Ёзбекистон Республикаси банк тизими -Т.: Ёзбекистон, 2001.-224 б.
 35. Норкобилов С, Ортиков У, “Банк аудита”. Т.: 2004- 108 б.
 36. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Тошкент: Молия. 2007. 275 бет.
 37. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истикболлари, Тошкент:ТМИ. 2004, -348б.
 38. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра-М, 2004. - 472 с.
 39. Полищук А.Ш. Банковский учёт и отчетность: Учебно-практическое пособие. -М.: ИМПЭ, 1998. -205 с.
 40. Практический кўрс бухгалтерского учёта в современном банке / ред. Бор М.З. -М.: ДИС. 1996. -384 с. ь
 41. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учёта. -М.: Финансы и

статистика, 2000.-496 с.

42. Усатова Л.В., Сероситан М.С., Арская Е.В. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках: Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. - М.: Издательско-торговая корпорация Дашков и К⁰, 2007. -404 с.
43. Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. - М.: Финансы и статистика, 2000. -256 с.

V. Қўшимча адабиётлар

44. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш-Т.: Молия, 2002. -304
45. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вўзов, -изд. 2-е перераб. и доп. -М.: Университетская книга; Логос, 2007. -368 с.
46. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: -М.: Магистр, 2007. -350 с.
47. Дж. Синки, мл. Управление финансами в коммерческих банках пер. с англ. 4-го переработанного изд./ под ред.Р.Я.Левиты, Б.С.Пинскера. М.: Саталлахй, 1994. - 820 с.
48. Диана Мак Нотон Банковские учреждения в развивающихся странах - Всемирный банк, Вашингтон, Д.С., 1994.
49. Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд и др. Организация работы в банках: в 2—х томах. Том 2. Интерприрование финансовой отчетности. Пер. с англ. -М.: Финансы и статистика, 2002. -240 с.
50. Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка: Учебное пособие.-М.: ИНФРА-М, 2001. -320 с.
51. Смирнов А.В. Управление ресурсами и финансово-аналитическая работа в коммерческом банке. -М: БДЦ-пресс, 2002. -176 с.
52. Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебное пособие. - М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. - 128 с.
53. Стивен М. Брагг «Ассоунтинг Бест Прастисес» Жохн Вилей & Сонс, New Жерсей, УСА. 2010, -542 п.

54. Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. Днепропетровск. Баланс Бизнес Букс, 2006. - 672 с.
55. Черкасов В.Е. Банковские операции: финансовый анализ. -М.: Издательство Консалтбанк, 2001, - 288 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

56. Бердияров Б.Т. «Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги». и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферата. -Т.: 2002. - 21 б.
57. Умаров З.А. “Тижорат банкларининг молиявий натижалари моҳияти” Иқтисодиёт ва таълим журнали № 1 2006 йил
58. Тижорат банклари молиявий ҳисоботлари. Банк ахборотномаси газетаси №18-19 (989-990) 2015 й., 30 апрел

VII. Интернет сайтлари.

<http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

<http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб сайти.

<http://www.aloqabank.uz> – Акциянерлик тижорат “Алоқабанк” веб сайти

<http://www.uzreport.com> – Ўзбекистон бизнес янгиликлари

<http://www.finance.uz> – Молиявий-иқтисодий таҳлил портали.

<http://www.cbu.ru> – Россия Федерацияси Марказий банки сайти.

<http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб сайти.

<http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб сайти

<http://www.ahbor.uz> – Ахбор-Рейтинг рейтинг агентли.

<http://www.bankir.uz> – Банк ахборотлари портали

<http://www.bankingtech> – банк технологиялари